Ватанни севмак иймондандур!

Ўзбекистон овози

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1993 йил 8 сентябрь, чоршанба № 164-165 (21.516). Сотувда эркин нархда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Р. В. АБДУҚОДИРОВГА ФАХРИЙ УНВОН БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Давлат органларидаги кўп йиллик самарали меҳнати ва жамоат ишларида фаол иштирок этгани учун Ўзбекистон Республикаси Президенти котибиятининг мудири **Равил Ваҳобович Абдуқодировга** «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган экономист» фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1993 йил 7 сентябрь.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

«ЎЗБЕКНЕФТГАЗ» МИЛЛИЙ КОРПОРАЦИЯСИ НЕФТЬ ВА ГАЗ КОРХОНАЛАРИНИНГ БИР ГУРУҲ ХОДИМЛАРИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Кўп йиллик ҳалол меҳнати, нефть ва газ саноатини ривожлантиришдаги хизматлари, жамоат турмушида фаол иштирок этганликлари учун қуйидагиларга Ўзбекистон Республикасининг фахрий унвонлари берилсин:

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН САНОАТ ХОДИМИ»

Бекиев Қурбон — «Ўзнефтқайтаишлаш» давлат ишлаб чиқариш бирлашмаси Олтиариқ нефтни қайта ишлаш заводининг оператори, Фарғона вилояти

Маманов Жуманазар Бозорович — «Ўзнефтгазқазибчиқариш» давлат акционерлик бирлашмаси «Жарқўрғоннефть» нефть конлари бошқармасининг нефть ва газ қазиб олиш 1-участкаси технологи, Сурхондарё вилояти

Назаров Ризо — «Ўзнефтгазқазибчиқариш» давлат акционерлик бирлашмаси «Муборакгаз» газ конлари бошқармасининг «Муборак» нефть кони электр ва газпайвандчиси, Қашқадарё вилояти

Саидов Саид Раҳимович — «Ўзнефтгазқазибчиқариш» давлат акционерлик бирлашмаси «Қаршинефть» нефть конлари бошқармаси қудуқларни таъмирлаш цехининг катта устаси, Қашқадарё вилояти

Мажитов Умар — «Ўзнефтгазқурилиш» давлат акционерлик бирлашмаси 1-қурилиш участкасининг бошлиғи, Тошкент шаҳри

Мамасодиқов Усмон — «Ўзнефтқайтаишлаш» давлат ишлаб чиқариш бирлашмаси бош технологининг ўринбосари, Фарғона вилояти

Маҳмудов Нажим Исломович — «Ўзнефтгазинспекция»нинг газдан фойдаланишни назорат қилиш бўйича ишлаб чиқариш бўлимининг бошлиғи, Тошкент шаҳри

Маҳмудов Назим Ҳамидович — «Ўздавнефтмаҳсулот» акционерлик бирлашмаси нефть маҳсулотлари гаъминоти Тошкент вилояти корхонаси автоколоннасининг бошлиғи, Тошкент шаҳри

Маҳсудов Қамбарали — «Ўзтрансгаз» давлат бирлашмаси «Шимолий Сўх» ерости газ омборхонаси станцияси оператив-ишлаб чиқариш хизматининг катта устаси, Фарғона вилояти

Ражабов Жўра — «Ўзнефтгазқурилиш» давлат акционерлик бирлашмаси 5-механизация бошқармасининг чилангари, Тошкент шаҳри

Рамазонов Карим — «Ўзнефтгазқазиболиш» давлат акционерлик бирлашмаси «Ўзбекбургаз» тресті бурғулаш ишлари Бухоро бошқармасининг бурғулаш устаси, Бухоро вилояти

Сафаров Рустам Жамолович — «Нефтгазфан» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси қурилиш бўлимининг бошлиғи, Тошкент шаҳри

Синдоров Алишер Лапасович — «Ўзнефтгазқурилиш» давлат акционерлик бирлашмаси «Қашқадарёнефтгазсаноат-қ у р и л и ш» трести Муборак қурилиш-монтаж бошқармасининг қоришма қуювчиси, Қашқадарё вилояти

Хомик Светлана Алексеевна — «Ўзнефтқайтаишлаш» давлат ишлаб чиқариш бирлашмасининг кимёвий анализлар лаборанти, Фарғона вилояти

ҚУЙИДАГИЛАР ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАНСИН:

Акбаров Исоқ Шарипович — «Ўзнефтгазқурилиш» давлат акционерлик бирлашмаси «Муборакнефтгазмонтаж» трестининг бошқарувчиси, Қашқадарё вилояти

Иброҳимов Нозим Абдурозимович — «Ўзнефтгазқурилиш» давлат акционерлик бирлашмаси «Бухорогазсаноатқурилиш» трестининг 7-қурилиш бошқармаси комплекс бригадасининг бригада бошлиғи, Бухоро вилояти

Йўлдошев Озод Маткаримович — «Ўзтрансгаз» давлат бирлашмасининг «Урганчтрансгаз» магистрал газопроводи линияси Зауғур газ узатиш корхонасининг бошлиғи, Хоразм вилояти

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1993 йил 7 сентябрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИГА САЙЛОВЛАР ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИ ЛОЙИҲАСИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси биринчи ўқишда маъқуллансин ва кенг кўламда муҳокама қилиш учун матбуотда эълон қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари қўмитаси муҳокама чоғида билдирилган мулоҳазалар ва киритилган таклифларни ҳисобга олган ҳолда уқтирилган Қонун лойиҳасини такомилига етказсин ва Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг муҳокамасига киритсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси

Ш. ЙЎЛДОШЕВ.

Тошкент шаҳри,
1993 йил 2 сентябрь.

(Ушбу қонун лойиҳаси билан газетамизнинг учинчи ва тўртинчи саҳифаларида танишасиз).

ХАЛҚАРО БАНКЛАР КОНФЕРЕНЦИЯСИ

СУРАТДА: Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов, Европа қайта тиклаш ва тараққиёт банки биринчи вице-президенти Рональд Фриман.

Ф. ҚУРБОНБОЕВ (ЎзА) тасвири.

6 сентябрь куни Тошкентда халқаро банклар конференцияси иш бошлади. Бу анжуманда жаҳондаги олтмишга яқин йирик банк ва халқаро молия ташкилотларининг вакиллари иштирок этишмоқда. Конференциянинг мақсади Ўзбекистон иқтисодиётига чет эл сармоясини кўпроқ жалб этишга кўмаклашиш, хорижий сармоядорларни иқтисодий ислоҳот ва ўлкамизнинг ички имкониятлари билан яқиндан таништиришдан иборат.

Конференцияни Европа қайта тиклаш ва тараққиёт банкининг биринчи вице-президенти Рональд Фриман очди. У мана шундай йирик анжуманни ўтказиш учун барча шарт-шароитни яратиб бергани учун Президент Ислом Каримовга, мамлакат ҳукуматига миннатдорлик изҳор қилди. Халқаро банклар ва молия ташкилотлари билан ҳамкорлик Ўзбекистон иқтисодиётини мустаҳкамлашга ёрдам беради, деб ишонч билдирди.

Анжуманда сўзга чиққан Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов мамлакатда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар, чет эл сармоядорлари учун яратилган шарт-шароит, халқаро ташкилотлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқалари хусусида гапирди, берилган кўплаб саволларга батафсил жавоб берди.

Конференциянинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Муталов ва бошқа расмий кишилар иштирок этдилар.

Шундан сўнг конференциянинг ялпи мажлиси бошланди. Унда Швейцариянинг «ЮБС» банки ижроия гуруҳи аъзоси К. Янйори, Германиянинг «Дойче банк» директорлар кенгаши аъзоси Г. Крупп, Швейцариянинг «Фёрст Бостон» «Креди свисс» банки президенти Х. Рудлофф, АҚШнинг «Нюмонт майнинг» корпорацияси бошқаруви раиси Г. Паркер ва бошқалар ўз режалари ҳамда Ўзбекистон билан ҳамкорлик истиқболлари хусусида сўзладилар.

Тушдан кейин конференция қатнашчилари «Лойиҳаларни маблағ билан таъминлаш», «Экспортни маблағ билан таъминлаш», «Ўзбекистонда банк тизимини ривожлантириш истиқболлари» бўлимларида ўзаро мулоқотларни давом эттирдилар.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ХАЛҚАРО БАНКЛАР КОНФЕРЕНЦИЯСИ ОЧИЛИШИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Ҳурматли раис жаноблари!

Ҳурматли хонимлар ва жаноблар!

Республикамиз давлат ва миллий мустақиллигини қўлга киритганининг икки йиллигини нишонлаётган шу кунларда сизларни ўзбеклар диёрида самимий қутлайман. Мамлакатимиз ва унинг молия ташкилотларининг халқаро молия-кредит муносабатлари тизимига қўшилишига бағишланган бу муҳим конференцияда иштирок этиш таклифини қабул қилганингиз учун барчангизга миннатдорлигимни билдираман.

Мустақил давлат қуриш йўлида ўтган икки йил биз учун ўта муҳим аҳамиятга эга:

— мамлакатимиз ҳамда хориждаги қатор социолог ва сиёсатчиларнинг башоратларига зид ўлароқ, биз жамиятда сиёсий барқарорлик ва ижтимоий тотувликни мустаҳкамлаш, кишиларнинг тафаккурини янги қадриятлар сари йўналтириш учун барча ишни қилдик;

— республикада ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг ҳаётийлиги таъминланди, эркин бозор муносабатлари принципларига асосланган демократик жамият қуришнинг мустаҳкам асоси яратилди;

— шу қисқа вақт ичида Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятининг сиёсий эътирофини қозонибгина қолмади. Жаҳоннинг ишбилармон, хусусан, молиявий доиралари ҳам Ўзбекистонга катта қизиқиш билан қарайдиган бўлиб қолди;

Ўзбекистон собиқ СССР маркази тазйиқидан қутулиб, жадал одимлар билан олдинга қараб бораётган, аммо ҳали халқаро капитал ўзлаштириб улгурмаган бозордир. Республика ноёб табиий бойликларга, қудратли иқтисодий ва илмий-техникавий, ақлий ва маънавий салоҳиятга эга. Тарихнинг ўзи Ўзбекистонга Евроосиёнинг Ғарбни Шарқ билан, Жанубни Шимол билан боғлайдиган асосий йўллари чорраҳасидан жой тайин қилган. Республикамиз товарлар, капитал ва хизмат кўрсатишнинг халқаро йўлида ўзига хос марказ бўлиши учун барча имкониятлар мавжуд.

Янгиланиш ва тараққиётда ўз йўлини танлаш — мураккаб, тарихий аҳамиятга эга ва масъул иш десам, фикримга қўшиласизлар, деб ўйлайман. Ҳозирда ҳаёт кишиларнинг тақдиригина эмас, халқимизнинг келажак авлодлари тақдири ҳам танлаган йўлимизнинг нақадар тўғрилигига бевосита боғлиқ.

Ўзбекистоннинг танлаган йўли конституцион асосга эга, республика манфаатлари, шарт-шароити ва хусусиятларига тўла мос келадиган ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришга қаратилган. Ўзбекистонда ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотлар стратегияси қуйидаги беш принципга асосланган:

1. Иқтисодиётни мафкура ақидаларидан ҳоли қилиш;

2. Бош ислоҳотчи — давлат;

3. Ҳаётнинг барча жабҳаларида қонуннинг ҳукмронлиги;

4. Кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш;

5. Бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш.

Бугунги кунда бу принципларнинг амалга оширилиши республикада ижтимоий-сиёсий барқарорликни, энг муҳими эса, бозор муносабатларини жорий этиш сари изчил ҳаракатни таъминлаяпти.

Ислоҳотларнинг ишлаб чиқилган андозаси мавҳум тадқиқотлар меваси эмас, аксинча, мавжуд воқеликка асослангандир. Жаҳоннинг 70 мамлакатидан 1500 нафар йирик олим ва ишбилармонлар вакиллари иштирокида Москвада ўтказилган халқаро иқтисодий уюшманинг Х-жаҳон конгресси қатнашчилари **Ўзбекистоннинг бозорга ўтиш дастури собиқ иттифоқ республикалари орасида энг самарали эканлигини эътироф этганлари** ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

Умрини яшаб бўлган биронта тузум қаршиликсиз ўз жойини бўшатиб бермаслиги, биронта янги тузум қийинчиликларсиз оёққа тура олмаслиги сизларга яхши маълум. Шундай бўлса ҳам, Ўзбекистон ўз Мустақиллигини мустаҳкамлаш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва тенг ҳуқуқли халқаро ҳамкорликни ривожлантириш йўлидан четга чиқмайди, деб яна бир бор очиқ айтмоқчиман.

Бундай дейиш учун барча асосларимиз бор. Улардан энг муҳимларинигина санаб ўтаман:

— бозор муносабатларини жорий этишнинг ҳуқуқий базаси ишлаб чиқилган, хусусийлаштириш жараёни авж олдириб юборилган.

— Давлат дотация берадиган нарх-наво рўйхати қисқармоқда,

(Давоми иккинчи бетда).

ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИГА ҚЎШИЛИШ— ОЛИЙЖАНОБ МАҚСАДИМИЗ

6 сентябрь куни Тошкентда журналистлар халқаро банклар конференцияси якунларига бағишланган учрашувга тўпландилар. Улар Ислом Каримов билан Европа қайта тиклаш ва тараққиёт банки биринчи вице-президенти Рональд Фриманнинг жавобларини тўла ва мазмунли деб баҳоладилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов журналистлар билан учрашувни очар экан, Тошкент учрашувида фаол иштирок этган олтмишдан ортиқ йирик жаҳон молия ташкилотлари, банклари ва корпорацияларининг вакилларига миннатдорлиқ билдирди. Анжуманда чиндан ҳам жуда кўп ташкилотлардан вакиллар иштирок этди. Секция мажлисларида иш олиб борган ва ўзбекистонлик касбдошлари билан музокара ўтказганларнигина санаб ўтамиз. Булар — Европа қайта тиклаш ва тараққиёт банки, Европа ҳамжамиятлари комиссияси, Халқаро валюта жамғармаси, «Кемикэл банк», «Дойче банк», «Барклайз банк», «Эрнст энд янг» ва бошқа банкларнинг мутахассисларидир.

Уларнинг барчаси молия соҳасида ҳаммага таниш. Чунки, дунё бўйича кредит-молия сиёсатини кўп жиҳатдан айни шу ташкилотлар белгилайди. Ислом Каримов анжуманни ўтказишда Туркия ва Германия корпорациялари ва компаниялари-нинг алоҳида ўрни борлигини таъкидлаб ўтди.

(Давоми тўртинчи бетда).

Янгиликлар Воқеалар Хабарлар

ОНА ВАТАН: КЕЧА БУГУН ЭРТАГА

● Иқтисодий алоқалар

ВАКОЛАТХОНА ОЧИЛДИ

Тошкентда ўтказилаётган халқаро банклар анжумани иштирокчилари Ўзбекистон геология музейида бўлдилар.

Маълумки, ўлкамизда маъданли хом ашёнинг юзга яқин тури мавжуд. 850 дан ортиқ кон топилган бўлиб, шундан 290 таси саноат миқёсида ўзлаштирилган. Танишув меҳмонларда яхши таассурот қолдирди. Конференция иштирокчилари Тошкент вилоятининг Ким Пен Хва номидаги корпорациясига ҳам боришди. Кейин Чимён ва Чорбоғ дам олиш масканларига сафар қилдилар. Пойтахтнинг Туроб Тўла кўчасида эса Европа қайта тиклаш ва тараққиёт банки, «Дойчебанк» ҳамда Малайзиянинг «Мэйбанк» вакилатхоналари очилди. Халқаро банк мактабининг тантанали очилиши эса ўзига хос маросимга айланди. Анжуман қатнашчилари Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг янги биноси барпо этиладиган жойга ҳам келдилар. Бу мажмуа Туркиянинг «Айсел» компанияси билан ҳамкорликда қурилмоқда. У учта 15 қаватли бино, автопарк ва болалар боғи, тижорат маркази ҳамда ёрдамчи иншоотлардан иборат бўлади. Маросимларда Ўзбекистон Бош Вазирининг ўринбосари, ташқи иқтисодий алоқалар вазири Ў. Султонов, Тошкент шаҳар ҳокими А. Фозилбеков иштирок этдилар.

● Ўзбекистон ва жаҳон

ДУНЁ — БОЛАЛАР НИГОҲИДА

Ўзбекистонлик ва Янги Зеландия болалари нигоҳидаги олам уларнинг қўшма кўргазмага қўйилган асарларида ўз ифодасини топди.

Кўргазма болалар бадиий ижодиёти марказида очилиб, маданий ҳаётимизда муҳим воқеага айланди. Кўргазманинг очилиш маросимида болалар билан бирга рассомлар, кино усталари, ёзувчилар, жамоат ташкилотларининг вакиллари ҳам қатнашдилар. Кўргазмадан Янги Зеландия ўқувчиларининг 80 га яқин, Ўзбекистон болаларининг 60 дан зиёд асарлари ўрин олган.

● Театр мавсуми

ТОМОШАБИНЛАР ХУШНУД БЎЛАДИ

Кеча Ҳамза номидаги Ўзбек давлат академик драма театри ўзининг 75-мавсумини бошлади.

Ҳамзачилар «Амир Темур» спектаклини томошабинларга ҳавола этиш билан янги мавсумга киришдилар. Театр жамоасининг режалари етарли. Хусусан, мухлислар «Шум бола», «Алдагани хотин яхши» комедияларидан мамнун бўладилар. Бундан ташқари Чўлпоннинг «Ёркиной», Фитратнинг «Абулфайзхон», Абдулла Қодирийнинг «Меҳробдан чаён» асарлари асосида саҳналаштирилган спектакллар ҳам томошабинлар ҳукмига ҳавола этилади.

● Редакциямиз меҳмонлари

ТУРК ОЛИМЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВ

Куни кеча «Ўзбекистон овози» газетаси таҳририятига туркиялик бир гуруҳ олимлар ташриф буюришди.

Туркиядаги Мармара университети олимларидан Ниҳол Инжоғли, Гунай Гуксу Уздўган, Насрин Эртел журналистлар билан мулоқотда бўлдилар. Улар Қозоғистон ва Озарбайжон сафаридан кейин Ўзбекистонга келишган. Газета бош муҳаррири Азим Суюн хорижлик мутахассисларга ижодий жамоанинг Ўзбекистон мустақиллигининг икки йиллигини қандай кутиб олганлиги ҳақида гапириб, меҳмонларнинг саволларига жавоб қайтарди.

(Мухбирлар, хатлар ва ЎзА хабарлари асосида тайёрланди).

Янгиликлар Воқеалар Хабарлар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ХАЛҚАРО БАНКЛАР КОНФЕРЕНЦИЯСИ ОЧИЛИШИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

— бозор талабларига мос келадиган ишлаб чиқариш ва банкнинг ёрдамчи соҳалари шакилланмоқда,

— ташқи иқтисодий алоқалар эркин йўлга қўйилмоқда.

Энг муҳими эса, одамларнинг руҳияти, тафаккури ўзгарянти, бозор тушунчаси билан фикрлайдиган кадрларнинг янги авлоди етишиб келмоқда.

Ҳар қандай иқтисодий тизимни, хусусан Ўзбекистон мустақилликка эришгунга қадар мавжуд бўлган тизимни чуқур ислоҳ қилиш,—энг аввало ички бойлиқ ва имкониятлар ҳамда ташқаридан сармояни жалб қилиш ҳисобига жуда катта куч сарф қилишни талаб этади. Шунинг учун ҳам биз ички имкониятларимизни сафарбар қилиш билан бир қаторда хорижий сармояларни жалб этишга ҳам аҳамият беряпмиз.

Ўзбекистонда бунинг учун чинакам ҳуқуқий ва иқтисодий шарт-шароитлар яратилган. Уларнинг асосийларигагина эътиборингизни қаратмоқчиман:

— жумладан, валюта бойликларининг бир қисмини чет эл банкларида сақлаш ҳисобига миллий суғурта жамғармаси шаклланяпти;

— хорижий сармоя иштирокидаги корхоналарни барпо этиш, рўйхатга олиш ва уларнинг фаолиятига анча эркин тус берилди. Ўз маҳсулотини рухсатномасиз экспорт қилиш ҳуқуқи берилган бундай корхоналар сони бугунги кунда 800 га етиб қолган;

— қўшма корхоналар даромадининг ишлаб чиқаришни кенгайтиришга технологияни янгилашга ва ижтимоий дастурларни амалга оширишга сарфланадиган маълум қисми солиқдан озод қилинган;

— четдан келтириладиган барча товарларга солиқ бекор қилинган, озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармонлар ҳамда уларни ишлаб чиқарадиган жиҳозлар ва хом ашёни четдан келтириш божхона тўловидан озод қилинган.

Табиийки, иқтисодий тараққиётни тезлаштиришда банклар ва бошқа молия ташкилотларининг аҳамияти жуда катта. Банкларсиз саноат бўлмаслигини, банкларсиз экспорт бўлмаслигини, банкларсиз сармоялар бўлмаслигини биз жуда яхши биламиз. **Банк соҳалари ва уларнинг тараққиёти Ўзбекистон ҳукуматининг диққат марказида турибди.** Бу тараққиёт доирасида биз хорижий банклар ва молия ташкилотлари билан ҳамкорликни маъқуллаймиз ва рағбатлантирамиз.

Шу муносабат билан мен эътиборингизни қуйидаги йўналишлар бўйича мустаҳкам ва ўзаро фойдали ҳамкорлик қилишга қаратмоқчи эдим.

Биринчиси — кон-металлургия саноати. Ўзбекистон олтин ишлаб чиқариш бўйича жаҳонда олтинчи ўринни эгаллаши барчангизга маълум. Аниқланган заҳиралар ва мамлакатнинг иқтисодий имконияти рангли металлар қазиб олишни икки баравар кўпайтиришимизга имкон беради.

Биз ҳозирнинг ўзида «Ньюмонт Майнинг» корпорацияси билан ҳамкорликда ҳамда Европа қайта тиклаш ва тараққиёт банки иштирокида олтин қазиб чиқариш бўйича қўшма лойиҳаларни амалга ошириш тажрибасига эгамиз.

Бу лойиҳада Англиянинг «Барклай» ва «Родтшильд», Швейцариянинг «Креди свисс», «Юбс», «Свисс банк корпорейшн» ва АҚШнинг «Кемикал ва Чейз Манхеттен», «Германиянинг «Дрезднер банк», «Байерише ферайн», Франциянинг «Креди Лионе», «Париба», Австриянинг «Жирокредит» ва «Банк Аустриа» сингари нуфузли банклари ҳам иштирок этаётгани қувончлидир.

Мен лойиҳанинг муваффақиятли амалга оширилишига, иштирокчиларга кутилганча наф келтиришига, ҳамкорлигимизни мустаҳкамлаш учун замин яратишига ишонаман.

Рангли, қимматбаҳо ва нодир металларни қазиб чиқариш ва қайта ишлашни кўпайтириш соҳасидаги лойиҳалар ҳам истиқболлидир. Бу лойиҳалар юқори рентабелли бўлиб, тижорат жиҳатидан жуда жозибалидир.

Ўзбекистондаги нефть ва газ конларини ўрганиш ва ўзлаштириш стратегия жиҳатидан муҳим йўналишдир. Ҳозирги вақтда республикада 150 та нефть ва газ кони топилди, шундан 92 таси ўрганилмоқда. Газ қазиб чиқариш ҳажми ҳозирнинг ўзидаёқ республика эҳтиёжини тўла таъминлайди ва газни қўшни мамлакатларга экспорт қилиш имконини беради. Ўзбекистон яқин йиллар ичида чет мамлакатлардан нефть маҳсулотлари сотиб олиш заруратидан холи бўлиши, сўнгра эса нефть ҳамда уни қайта ишлашдан олинган маҳсулотлар билан савдо қилиш ҳисобига экспорт имкониятларини кўпайтириши лозим.

Ўзингизга маълумки, бу соҳа жуда катта сармоя сарфлашни, катта ҳажмдаги қидирув, лойиҳа-қидирув ишларини, мураккаб технология ускуналарини сотиб олиш ва ўрнатишни талаб қилади. Айни шу ишда **биз учун энг мақбул ечимларни топишга қодир бўлган тажрибали, ишончли ҳамкорлар керак.**

Тўқимачилик саноати сармояларини сарфлаш учун учинчи йўналишдир. Ўзбекистон — жаҳонда кўп пахта етиштирадиган давлатлардан биридир.

Бундан ташқари, ипак, сунъий тола, жун, калава ишлаб чиқарамиз. Тўқимачилик корхоналарини янгилашнинг дастлабки **лойиҳалари Туркия, Швейцария ва Германия фирмаларининг иштирокида амалга оширилмоқда.** Биз тўқимачилик тармоғини ҳар томонлама янгилаш лойиҳасини тайёрлашга доир ишни қўллаб-қувватлаймиз. Бу ишни идораларимиз Европа қайта тиклаш ва тараққиёт банки билан биргаликда Швейцария ва англиялик маслаҳатчилар иштирокида бажармоқда. Бу улкан лойиҳа тармоқнинг ва умуман мамлакатнинг имкониятларига тўла мос келади.

Ўзбекистоннинг иқтисодий ҳаётида **транспорт ва коммуникация алоқалари тизими ҳал қилувчи ўрин тутади.** Республикада яқин ва олис хориждаги мамлакатлар билан иқтисодий алоқаларни таъминлайдиган кенг тармоқли транспорт тизими барпо этилган.

Айни пайтда Ўзбекистоннинг денгиз портларига бевосита чиқа оладиган йўли йўқ. Шу сабабли, юкларнинг кўп қисми давлатлараро савдо-иқтисодий алоқалар асосида бошқа мамлакатлар орқали етказиб берилмоқда. Бу эса минтақаларо алоқа йўлларини ривожлантиришни устивор йўналишга айлантиради.

Саёҳатни ривожлантириш учун имкониятларимиз жуда катта. Республика ҳудудида 4 мингдан ортиқ меъморлик ёдгорликлари мавжуд. Уларнинг кўпларини ЮНЕСКО ўз муҳофазасига олган. Бу ерда сайру саёҳат билан боғлиқ ёрдамчи тармоқларни ривожлантириш учун катта имкониятлар бор.

Ўзбекистон — саноати ривожланган аграр мамлакатдир. Аҳолининг 60 фоизи қишлоқ жойларда яшайди. **Шу сабабли қишлоқ хўжалигини ва деҳқончилик билан боғлиқ саноатни ислоҳ қилишга алоҳида аҳамият берилмоқда.** Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш лойиҳалари ва уларнинг маркетинги ғоят манфаатли ва фойдалидир.

Бизнинг биринчи навбатда саноатни ривожлантиришга доир катта лойиҳаларни пул билан таъминлаш учун халқаро молия доираларининг мададидан фойдаланишга интилишимиз кенг кўламли ислоҳотларни амалга ошириш ҳамда техникавий, технологик янгилаш зарурати билан боғлиқдир. Бироқ, бу — ташқи савдони пул билан таъминлаш муҳимлигини унутиб қўйиш, деган гап эмас.

Экспортни пул билан таъминлаш соҳасида АҚШдаги «Эксимбанк», Швейцариядаги «Юбс» банки ва бошқа банклар билан амалий ва дўстона муносабатлар ўрнатдик. **Ўзбекистонга биринчи бўлиб халқаро қарз берган Туркия экспорт-импорт банкини** алоҳида миннатдорлик билан тилга оламан. Ислоҳотларимиз амалга оширилгани сари экспорт-импортни пул билан таъминлаш соҳасида Ўзбекистон билан хорижий ташкилотлар ўртасидаги ҳамкорлик фаол ривожланишига аминман.

Ўзбекистоннинг банк тизими вужудга келиши ҳақида гапирсак, бу — иқтисодиётнинг энг тез ривожланаётган соҳаси ислоҳотлар яққол сезилаётган соҳа эканлигини айтиш керак. Биз бошқа банкларни пул билан таъминлаб турадиган давлат банкини, яъни, Ўзбекистон Республикасининг Марказий банкини ташкил этдик. Миллий ташқи иқтисодий фаолият банки эса мустақилликнинг дастлабки кунларидаёқ ташкил этилган эди. Ҳозир мамлакатда ўттизга яқин тижорат банклари ишлаб турибди, деҳқончилик банки, саноат-қурилиш банки ва жамғарма банки шу банкларнинг энг катталаридир.

Бу йил «Тадбиркор» банки ишлай бошлади. У кичик ва ўрта бизнесга доир лойиҳаларни пул билан таъминлашга ихтисослашган бўлиб, шаҳарларда ва қишлоқ жойларида бўлинмалари мавжуд.

Ўзбекистоннинг молияга доир ёрдамчи тармоқларини, мамлакатнинг банк тизимини такомиллаштириш биз учун биринчи навбатдаги вазифадир. Бу соҳада ҳамкорлик қилишимиз учун жуда катта имкониятлар вужудга келмоқда. Мен Европа ҳамжамиятлари комиссиясининг, Европа банки ва Туркия уюшмасининг бугун Тошкентда очилаётган банк мактабини барпо этишга қўшган ҳиссасини жуда қадрлайман. Бу бутун Марказий Осиё учун катта аҳамиятга молик воқеадир.

Дастлабки қадамлар ҳамиша қийин ва унутилмас бўлади. Шу сабабли биз Швейцариядаги «Юбс» ва «Креди свисс» банкларининг олижаноб ташаббусини алоҳида миннатдорлик билан эслаймиз. Бу банклар Ўзбекистон тижорати учун биринчилардан бўлиб қарз йўлини очиб беришди.

Биз АҚШдаги «Эксимбанк» билан ҳамкорлигимиз бошланганидан мамнунмиз. Бу банк бизга жуда муҳим бўлган Америка бозорини очиб берди. Биз Франция, Швейцария ҳамда Италияда ги банк тузилмалари билан ҳам ана шундай муносабатлар суръат билан ривожланишига умид боғлаймиз.

Германияга ташрифимдан сўнг икки томонлама савдо-сотиқни ҳамда молия соҳасидаги бошқа алоқаларни «Гермес» давлат суғурта жамияти, «Ака» тижорат банклари консорциуми, Федерал таъмирлаш маҳкамаси каби ташкилотлар орқали пул билан таъминлашга ишончим кучайди.

Бу ерда нуфузли кишилар тўпланганидан фойдаланиб, Ўзбекистоннинг ҳозирги замон бозор иқтисодиётида жуда катта ўрин тутган халқаро валюта жамғармаси ва жаҳон банки билан ҳамкорлик муносабатлари тўғрисидаги мулоҳазаларимни айтиб ўтмоқчиман.

Валюта жамғармасининг нуфузи деярли йигирма йилдан буён хусусий сармоядорлар учун йўл очиб бераётган жаҳоннинг йирик банкларига ўзига хос омил бўлиб келаётганлигини тушунамиз.

Шу билан бирга, биз қарз берувчи қўяётган шарт ва талаблар амалий тусда бўлиши ҳамда иқтисодий манфаатлар доирасидан четга чиқмаслиги лозимлигини айтиб ўтмоқчимиз. Бизнингча, энг муҳими — бизнинг асосли кафолатларимиз, тўлов қобилиятимиз, шунингдек, қарз бераётган банкларнинг улар ажратаётган маблағ одамлар бахт-саодати учун хизмат қилишига ишончидир.

Муҳтарам жаноблар!

Мазкур халқаро банк анжумани ғоят долзарблиги тўғрисида бизга тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро манфаатдорлик асосида ҳамкорлик қилишимиз учун зарур бўлган ижобий мулоқотлар ўтказишга, алоқалар ўрнатишга имконият беради.

Мавжуд муаммоларни муҳокама этиш ҳамда уларни биргалашиб ҳал қилиш йўлларини излаш учун шу ноёб имкониятидан фойдаланишга ишонаман.

Эътиборингиз учун раҳмат.

• *Бизнинг суҳбат*

ВАЗИФАЛАР—АНИҚ, ЙЎЛИМИЗ—ҚАТЪИЙ

Ўтган ҳафта мамлакатимиз ҳаёти снёсий воқеаларга бой бўлди: миллий байрамимиз — Мустақиллик куни нишонланди, халқ депутатлари Олий Кенгашнинг ўн учинчи сессиясини ўтказишди. Адолатли ҳуқуқий давлат қурилиши йўлида яна бир муҳим қадам ташланди. Мустақил республиканинг янги қонунлари ҳаётга йўлланма олди. Мухбирларимиз бир гуруҳ Ўзбекистон халқ депутатлари—ХДП аъзолари билан учрашиб, сессия ҳақида таассуротларини гапириб беришни сўрашди.

Турсун ЕШИМБЕТОВА,
Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши инсон ҳуқуқлари қўмитасининг раиси.

— Мазкур сессия арафасида Олий Кенгаш раҳбарияти барча вилоятларда бўлишиб халқ депутатлари билан юзма-юз суҳбатлашишди, муҳокамага қўйилган қонунлар хусусида муфассал фикр алмашишди. Назаримда, шундай иш тутуми барчага маъқул келди.

Тўғри, Олий Кенгашнинг ҳар бир ҳужжати ўз соҳасига қараб тегишли қўмиталарда муҳокама қилинади. Лекин бирор қонун лойиҳаси йўққи, бизнинг қўмита назаридан ўтмаган бўлсин. Негаки, қабул қилинаётган қонунда инсон ҳуқуқлари масалалари қандай аксини топганлиги ҳар жиҳатдан муҳимдир. Мен ана шу нуқтаи назардан нигоҳ ташлаганимда Ўзбекистон Республикасининг биринчи Конституцияси жуда мукаммал тузилганлигига яна бир бор ишонч ҳосил қиламан. Чунки ҳар қандай қонун Асосий қомусимизнинг мевасидир.

Депутатларимиз бу сессияда уруш қурбонлари ҳақидаги Женева конвенцияси, халқаро тусдаги ва халқаро тусга эга бўлмаган қуролли можароларнинг қурбонларини ҳимоя қилиш тўғрисида Женева конвенциясига қўшимча протоколга Ўзбекистоннинг қўшилиши ҳақидаги таклифини маъқуллдилар. Бу тинчликсевар мамлакатимиз ҳаётида муҳим воқеадир. Сессияда қабул қилинган бошқа ҳужжатларда ҳам республикадаги ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқлари ҳимоя қилинади.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Мирзо Улуғбек тумани ҳокими.

— Биз ўтган ҳафтада Ўзбекистон мустақиллигининг икки йиллигини нишонладик. Бу икки йил тарих назаридан жуда ҳам қисқа давр. Шундай бўлишига қарамай Ўзбекистонимиз мустақиллиги истиқбол сари шахдам қадам қўйиб бормоқда, катта тараққиёт йўлига чиқиб боряпмиз. Кишини қувонтирадиган ва кўнгилга таскин берадиган далиллар Президентимиз Ислом Каримовнинг сессияда қилган катта маърузасида яққол баён этилди.

Ўзбекистон Олий Кенгашининг навбатдаги сессиясида «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги ҳамда «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунлар қабул қилинди.

Турмушимизда «Маҳалла» дастурини амалга ошириш борасида ибратли ишлар бажарилянти. Маҳалла қўмиталари фаолиятининг асосий йўналишлари ишлаб чиқилган. Туманимизда кўп каватли уйлардан иборат мавзелар аҳолисини қамраб олган 62 та маҳалла бор. Жойларда аҳолини мамнун этадиган оммавий тадбирлар ва кундалик юмушлари учун етарли шароитлар яратилмоқда. Шу йили ўнга яқин маҳалла қўмитаси учун идора ва тўйхоналар қурилди. Улар етарли жиҳозлар ва рўзғор буюмлари билан таъминланган. Кам таъминланган икки юз оиланинг ҳар бирига ўн минг сўмлик омонат дафтарчалари, кийим-кечак ва харид моллари ҳадя этилди.

Қобул МУМИНОВ,
Қашқадарё вилояти, Муборак газни қайта ишлаш заводининг машинисти.

— Мустақил Ўзбекистонимиз депутатларининг Олий анжуманида биринчи бор қатнашиш шарафига муяссар бўлдим. Бу сессия жуда тартибли ва баланд руҳда ўтди. Республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг катта маърузасини мароқ билан тингладим. Бу нутқдан бир олам таассурот олдим. Бундоқ ўйлаб қарасам, дастлаб депутат сифатида ўзимча тузган режаларимга жуда кўп тузатишлар киритишга тўғри келяпти.

Республикамизда биринчи навбатда қишлоқ аҳолиси турмушини яхшилаш борасида жуда кўп ишларни изчиллик билан амалга оширишимиз керак. Мен истиқомат қилаётган ҳудуддаги бир қатор қишлоқларда ичимлик суви ҳамон муаммо бўлиб турибди. Аҳолига машинада сув ташиб берилади. Энди бундай яшаб бўлмайди. Тезлик билан катта қувурлар ўтказиб марказий қувурлар тармоғига уланиши керак. Бундан ташқари, қишлоқларда ҳам бошланаётган ва олиб борилаётган газлаштириш ишларини тезлаштиришимиз керак.

Сессияда қабул қилинган бир қатор қонунларнинг моҳияти ўз-ўзидан тушунарли. Булар орасида лотин алифбосига босқичма-босқич ўтиш ҳақидаги қонун менинг тасаввуримда жуда ҳам аҳамиятлидир. Бу алифбо келгусида биринчи навбатда тараққиётимизга хизмат қилади. Чунки ҳозирги пайтда жаҳондаги кўпгина мамлакатларнинг маданияти ва тараққиёти ана шу алифбо билан боғлиқ. Масалан, келгусида республикамиз халқ хўжалиги бошқарувида техника воситаси сифатида биз асосан компьютерлар билан ишлашга ўтамиз.

Бу ускунанинг ҳамма ҳарфлари ва белгилари лотин алифбосида яратилган.



Абдували ҒУЛОММАҲМУДОВ,
«Конструктор» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори.

— Ҳар сафар Олий Кенгаш сессиясидан қуч-ғайратга тўлиб, илҳомланиб чиқаман. Бу гал ҳам шундай бўлди. Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устивор йўналишлари ҳақидаги маърузасида мамлакатимизнинг бугунги аҳволи, унинг МДҲдаги, дунёдаги мавқеи ёрқин кўрсатиб берилди. Биз кейинги пайтларда юртимиздаги тинчлик ва осойишталик билан ҳақли равишда фахрланиб гапирардик. Президентимизнинг маърузасидан билдикки, Ўзбекистон иқтисодиёти соф даромад келтиряпти. Айни пайтда давлатимиз ҳеч кимдан қарздор эмаслиги бизни қувонтирди.

Худо хоҳласа, ҳали янгидан-янги марраларни эгаллаймиз. Ҳозирча Ўзбекистон четдан маҳсулот сотиб олаётган бўлса, келгусида жаҳон мамлакатларига биздаги ҳом ашё ва тайёр маҳсулот йўл олади. Бунинг учун ҳам моддий, ҳам маънавий заминга эгамиз. Энг муҳими, ана шундай чўққиларга чорлаётган мард ва жасур юртбошимиз бор.

Суҳбатни Шуҳрат ЖАББОРОВ ва Абдулла ПЎЛАТОВ ёзиб олишди.

• ХДП ҳаётидан

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН

Мустақиллик кунининг икки йиллиги арафасида миллий маданиятимизнинг сарчашмаларидан бири бўлган қадимий Бухорода кенг жамоатчилик диққатини тортган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Уни Бухоро вилоят ҳокимлиги ва Ўзбекистон ХДП вилоят партия кенгаши биргаликда ташкил этдилар.

Вилоят ҳокими Дамир Ёдгоров мулоқотни олиб борди.

«Ўзбекистон келажаги буюк давлат» деб аталган ушбу анжуманда долзарб назарий ва амалий масалаларга бағишланган қатор маърузалар тингланди, кўпчиликни қизиқтираётган мавзулар ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди. Жумладан, вилоят ҳокимининг муовини Абдужалил Халиловнинг «Буюк келажак сари шахдам қадамлар», Ўзбекистон ХДП вилоят кенгаши биринчи котиби Жалолиддин Нуруллаевнинг «Ўзбекистон Халқ демократик партияси — ислоҳотлар партияси», Бухоро давлат дорилфунунининг профессори, тарих фанлари доктори Сулаймон Иноятовнинг «Мустақиллик ва миллий қадриятлар», Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институтининг доценти, фалсафа фанлари номзоди Ортиқжон Вафоевнинг «Мустақиллик миллий мафкурасининг фалсафий асослари», Бухоро давлат дорилфунунининг профессори, тарих фанлари доктори Фарҳод Қосимовнинг «Мустақил Ўзбекистон мафкурасини шакллантириш муаммолари», Тошкент давлат техника дорилфунуни Бухоро филиали доценти, иқтисод фанлари номзоди Олимжон Ҳамидовнинг «Мустақил Ўзбекистоннинг келажаги ёшлар қўлида» мавзуларидаги маърузалари мароқ билан тингланди.

Ўзбекистон ХДП Бухоро вилояти, шаҳар ва туман кенгашлари котиблари, ҳокимларнинг муовинлари, халқ таълими ва маданият тизимларининг масъул ходимлари, олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари, партия фаоллари ва анжуманнинг бошқа қатнашчилари ҳаёт ўртага қўяётган кўпгина саволларга жавоб топдилар, баъзибир масалалар бўйича маслаҳатлашиб олдилар.

Собир ҚУРБОНОВ.

• *Иқтисодий ислоҳот: тажриба, муаммо, тавсия*

ҒИШТНИНГ БАҲОСИ ҚАНЧА?

БУ ҲАҚДА РЕСПУБЛИКА ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДАГИ ЙИҒИЛИШДА АЙТИЛГАНДИ

Бу савол мамлакатимиз аҳолисининг деярли 70 фоизини қизиқтирса ажаб эмас. Чунки, Вазирлар Маҳкамасининг аҳолини ер билан таъминлаш тўғрисидаги қароридан кейин, бўш қолди дегунча қурилишга ундайдиган халқимизнинг қўли-қўлига тегмай қолди. Бугун ҳар икки хонадондан бирининг эшиги олдида қурилиш материаллари уюмини кўрасиз.

Лекин нархи чақади. Имкони борлар уни харид қилишяпти. Бироқ имконнинг ҳам чегараси бор-ку?! Бир дона ғиштни 48 сўмдан сотиб олган харидор берган пулига розимикан?

Минг дона ғишт 48 минг сўм дейишганида аввалига ишонмадик. Қувасойга йўл олдик. Бу ерда вилоятдаги энг йирик ғишт ишлаб чиқариш корхонаси жойлашган. У «Кварц» ишлаб чиқариш бирлашмасига қарайди. Йилига 75 миллион дона маҳсулот чиқаради. Бу, вилоятдаги 80 та катта-кичик корхоналар ишлаб чиқарадиган жами ғиштнинг бешдан бирига тенг.

— 48 минг сўмдан ғишт олиб, иморат қилишнинг ўзи бўлмайди. Нима қилишга ақлим ишламай қолди. — Директор Убайдулло Отабоев азбаройи ачинганидан айтди бу гапни. Ёки...

— Балки ғиштни арзонлаштирса бўлар?

— Ҳеч иложи йўқ. Арзонлаштира олмаймиз, — деди у ва фикрини тасдиқлай кетди. — Аввало ёқилғи, электр энергияси нархи бир неча ўн бараварга ошди. Ғишт эса март ойидан бери уч баравар қимматлашди, холос. Аслида биз ғиштдан бир тийин ҳам фойда олмаймиз. Турган-битгани чиқим.

Хайриятки, бирлашма бош директори билан суҳбатлашишдан олдин тайёр маҳсулотларни сотиш бўлимига кирган эканмиз. Бўлмаса Убайдулло ака бутун бошли корхонани фақат савобга ишлаётган қилиб кўрсатиши ҳеч гап эмас эди.

— Бу маълумотларни раҳбарларнинг рухсатисиз бермасам бошим кетади, — дея оёқ тираб олди бош ҳисобчи ёрдамчиси В. Оверь.

Бировнинг бошини балога қўйиб, қўлга киритган рақамларимдан директорни огоҳ этгандим. Фойдаси бўлмади. Таннархи 25147 сўмга тушаётган ғишт (аслида бу рақамга ҳам шубҳа бор) аҳолига нега деярли икки баравар қимматга сотиляпти?

Харидорни шилиб олишга ақли етган кишининг ақли нега бу ерга келганда ожизлик қилибди? Бирлашма қошидаги «Комфорт» магазинида ғишт нега энг кўп — 20 фоиз устама билан пулланаётганлигини ким изоҳлайди? Рентабелликни айтмайсизми? Бирлашмада рентабеллик 65 фоизга кўтарилиб кетган. Бир дона ғишт бир буханка нондан икки ярим баравар қиммат. Бу бирлашма беш ой давомида аҳолидан 1,7 миллион сўмни шилиб олган. Олаверар экан, деб харидорни зулукдек сўришдан не мақсад?

Аҳоли эса мажбур. Қозонни сувга солиб бўлса-да, иморат қуряпти. Чунки бундай имконият камданкам бўлади. Фарғона вилоятида якка тартибда уй-жой қуриш учун 20 минг гектар ер ажратиб берилган. Халқим тинч-тотув, фаровон яшасин деб юртбошимиз эртаю кеч тинмаяпти. Лекин баъзи бировлар ана шундай тинчлик пайтида мададкор бўлиш ўрнига халқни қийнаяпти.

Иқтисодий ислоҳотлар йўлидаги тўсиқлардан яна бири, — деган эди Президентимиз И. Каримов чў йил 27 июлда Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган мажлисдаги нутқида. — Айқаттиқ танқид остига олинди. Вилоят ҳокими М. Исломовнинг маърузасида шундай сатрлар бор: «...корхона раҳбарлари фойда олиш орқасидан қувиб, цемент бўйича рентабелликни 126 фоизга етказишди, режа эса 10 фоиз. Ана шундан кейин 1 тонна цементнинг нархи 18 минг 120 сўмга кўтарилган.

Аҳолига шифер сотишда 8,6 миллион сўм ортиқча пул олинган. Комбинат қошидаги «Комфорт» фирма магазинида савдо устамаси 6,8 фоизни ташкил этгани ҳолда, аҳолига 20 фоиз устама нарх қўйиб сотиларверган».

Танқиддан ҳар ким ҳар хил хулоса чиқарган. Қувасой цемент комбинатида ҳам бўлдик. Бу ерда ҳам ёнилғи, электр энергия нархлари ошган, «Кварц» ишлаб чиқариш бирлашмасидан фарқли ўлароқ цемент комбинатига кўпроқ эҳтиёт қисмлари келтирилади. Аммо мутахассислар билан суҳбатда шунинг гувоҳи бўлдикки, улар хатоларини тўғри тушуниб, дарров тўғрилашга киришибдилар. Цемент, оҳак, шифер каби баравар арзон. Нима учун? Қувасойда лойни 20 километрдан ташиб келтиришса, бу ерда 40 километрдан олишади. Қувасойда иш тўла механизациялашган бўлса, бу ерда асосан қўл меҳнати. Аслида ғишт Қўқонда қимматроққа тушиши керак эмасмиди?

Гап ҳисоб-китобда эмас. Гап инсофда! Қолаверса, бу ерда бешқўлини оғзига тиқмай, 22 фоиз рентабеллик билан ишлашяпти. «Комфорт» магазинидан қурилиш маҳсулотларини атиги 5 фоиз устама билан сотиб олиш мумкин. Ҳатто ўтган йили бирлашма раҳбарлари шаҳар ҳокимлиги таклифи билан аҳолига фойда олмасдан ғишт сотди. Бирлашма йил якунига кўра даромадсиз чиққан бўлса-да, минглаб миннатдор чеҳраларни, оғринмасдан ғишт харид қилган одамлар қувончини нима билан ўлчаб бўларди?

— Янада арзонлаштирамиз, чораларни излаяпмиз, — дейди қурилиш материаллари ишлаб чиқариш бирлашмаси директори А. Ҳакимов. — Асосий йўли маҳсулот миқдорини ошириш ва сифатини яхшилаш. Ишлаб чиқаришни тўхтатмаган ҳолда таъмирлаш ишларини олиб боряпмиз. Бизда иш асосан қўл кучи билан бажарилади. Энди замонавий дастгоҳлар ўрнатамиз. Таъмирлаш ишлари якунланса, йил охирига бориб 100 минг дона ғишт ишлаб чиқариш қувватига эришамиз. Бу нарх янада арзонлашишига таъсир қилади.

Қўқонда ғишт 25 минг сўм атрофида сотилмоқда. Лекин шу ҳам одамларга қимматлик қиляпти.

— 1988 йили вилоятда 529 минг квадрат метр уй-жой қурилган бўлса, 1991 йили 848 минг квадрат метр уй-жойдан 86,5 фоизи якка тартибда — аҳоли маблағлари ҳисобига барпо этилди. Аммо ўтган йилда нархнавонинг ўсиши, пулнинг қадрсизланиши натижасида вилоятда уй-жой қурилиши кўлами кескин пасая бошлади, — дейди Фарғона вилоят ҳокимлигининг саноат, қурилиш, транспорт, алоқа ва коммунал хўжалик гуруҳи бош мутахассиси Қ. Жакбаров. — Бу йил ҳамма манбалар ҳисобидан 408 минг квадрат метр уй-жой қурилиши режалаштирилган, холос.

Ҳаммаси бир-бирига боғлиқ. Уй-жой қуриш учун материал керак. Бўлганда ҳам арзонроқ, иморат бошлаганни пушаймон қилдирмайдиган нархда бўлиши лозим.

Баъзи мутахассислар бунинг яна бир йўлини таклиф қилишяпти. «Вақтинча бўлса-да, аҳолига сотиладиган қурилиш маҳсулотларидан қўшимча қиймат учун қўйиладиган солиқ олиб ташланса-чи», дейишмоқда. Бу, юқори даражадаги идоралар ҳал қиладиган масала, албатта.

Ҳозирча У. Отабоевга ўхшаш раҳбарлар бозор иқтисодиётини рўкач қилиб, истаганча нарх қўйиб олишмоқда. Бизнингча, республика бўйича ягона ва қатъий нарх-навони ушлаб туриш чора-тадбирлари кўрилиши керак.

Шавкат ИСРОИЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• *Қутлов*

ТАБАРРУК ЁШИНГИЗ МУБОРАК!

Падари бузрукворимиз — **Мирзокир МИРФАИЗИ ҳожи ўғли МИРТУРСУНОВ**ни табаррук 80 йиллик ҳамда волидаи меҳрибонимиз **Раиса ая КАМОЛИТДИН қизи**ни муборак 75 йиллик таваллудлари билан чин дилдан муборакбод этамиз.

Сиз азизлар, қарийб 60 йил давомида ўрта ва олий таълим тизимининг катта-кичик лавозимларида ишлаб келдингиз. Замонамиз ёшларига ўрта ва олий маълумот беришда, фан номзодлари етиштиришда муносиб ҳисса қўшдингиз.

Биз сизларнинг халқимиз олдидаги ҳалол меҳнатларингиз билан фахрланамиз. Бизни тарбиялаб етиштиришдаги фидойи хизматларингиз учун қаршингизда бош эгиб таъзим қиламиз.

Илоҳим, Сизларга яна узоқ йиллар қариликнинг гаштини суриб, яшаш насиб қилсин.

МИРТУРСУНОВЛАР ОИЛАСИ ФАРЗАНДЛАРИ.

ҲУКУМАТЛАРАРО ВА БАНКЛАРАРО ЯНГИ БИТИМ

Россия, Қозоғистон, Ўзбекистон ва Арманистон «Янги рубль минтақасини яратишнинг амалий чоралари ҳақида»ги ҳукуматлараро ва банклараро битимни имзолашга келишдилар. Россия банки раисининг ўринбосари В. Соловьевнинг РАТА—ТАСС мухбирига хабар қилишича, келажакда битимга Беларусь ва Тожикистоннинг қўшилиш эҳтимоли бор.

(ЎзА).

ЛОЙИҲА

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИГА САЙЛОВЛАР ТЎҒРИСИДА

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. Олий Мажлисга сайловлар ўтказишнинг асосий принциплари

Олий мажлис ҳудудий бир мандатли сайлов округлари бўйича кўп партиялилик асосида беш йил муддатга сайланадиган 150 нафар депутатдан иборатдир.

Олий Мажлис депутатлари яширин овоз бериш орқали умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида сайланадилар.

2-модда. Умумий сайлов ҳуқуқи

Олий Мажлисга депутатлар сайлови умумийдир. Сайлов кунигача 18 ёшга тўлган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эгадирлар.

Сайлов кунигача 25 ёшга тўлган Ўзбекистон фуқаролари Олий Мажлисга сайланиш ҳуқуқига эгадирлар.

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек, озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётганлар сайланиши мумкин эмас ва сайловларда иштирок этмайдилар.

Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бир вақтнинг ўзида иккитадан ортиқ ҳокимият вакиллик органининг депутати бўлиши мумкин эмас.

Насл-насаби, ижтимоий ва мулкий аҳволи, қайси ирқ ва миллатга мансублиги, жинси, маълумоти, тили, динга муносабати, машғулотининг тури ва хусусияти, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеига қараб Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сайлов ҳуқуқларини ўзга тарзда бевосита ёки билвосита чеклаш тақиқланади.

3-модда. Сайлов ҳуқуқининг тенглиги

Ҳар бир фуқаро — сайловчи битта овозга эга.

Хотин-қизлар ва эркаклар тенг сайлов ҳуқуқига эгадирлар.

4-модда. Тўғридан-тўғри сайловлар

Олий Мажлис депутатлари фуқаролар томонидан тўғридан-тўғри сайланадилар.

5-модда. Яширин овоз бериш

Олий Мажлисга депутатлар сайловида эркин ва яширин овоз берилади. Зўравонлик, таҳдид қилиш, алдаш ёки бошқа ғайриҳуқуқий йўл билан сайловчиларнинг хоҳишига таъсир ўтказиш, шунингдек, сайловчиларнинг ҳоҳиш-иродасини назорат қилиш конунда назарда тутилган жавобгарликка сабаб бўлади.

6-модда. Сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишдаги ошкоралик

Олий Мажлис сайловларига тайёргарлик ва уларни ўтказиш сайлов комиссиялари томонидан очиқ ва ошкора амалга оширилади. Сайлов комиссиялари фуқароларни ўз ишлари тўғрисида, сайлов участкалари тузилганлиги ҳақида, сайлов комиссияларининг таркиби, комиссияларнинг жойлашган манзили ва иш вақти хусусида хабардор қиладилар, сайловчиларнинг рўйхати, сайловларда иштирок этаётган партиялар рўйхати билан таништирадилар, депутатликка номзодлар хусусидаги, овоз бериш ва сайловларнинг якунларига доир маълумотлардан хабардор этадилар. Сайлов комиссияларининг мажлисларида, сайловлар куни ва овозларни санаш чоғида овоз бериш хоналарида депутатликка номзод кўрсатган сиёсий партиялардан, ҳокимият вакиллик органларидан битгадан кузатувчи, матбуот, телевидение ва радио вакиллари, бошқа давлатлар ва халқаро ҳаракатлардан кузатувчилар ҳозир бўлиш ҳуқуқига эгадирлар. Уларнинг ваколатлари тегишли гувоҳнома ҳужжатлари билан тасдиқланган бўлиши керак.

Депутатликка номзодлар кўрсатган сиёсий партиялар, ҳокимият вакиллик органлари ўз вакиллари тўғрисида округ сайлов комиссияларига сайловларга кечи билан 15 кун қолганида маълум қиладилар.

Ўзбекистон Республикасининг оммавий ахборот воситалари депутатлар сайловига тайёргарликнинг бориши ва сайловлар қандай ўтаётганлигини ёритиб борадилар. Сайлов комиссиялари, давлат органлари, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмалари, ҳарбий қисмлар оммавий ахборот воситаларига сайловларга тайёргарлик ва уларни ўтказиш билан боғлиқ ахборотни тақдим этадилар.

II. САЙЛОВ ОКРУГЛАРИ ВА САЙЛОВ УЧАСТКАЛАРИ

7-модда. Сайлов округларни тузиш

Олий Мажлисга сайловлар ўтказиш учун 150 та ҳудудий сайлов округи тузилади.

Олий Мажлисга депутатлар сайлови бўйича сайлов округлари Қорақалпоғистон Республикаси Жоқарғы Кенгеси Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларининг тақдимномасига биноан Марказий сайлов комиссияси томонидан тузилади. Сайлов округларининг чегараларини белгилашда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг маъмурий-ҳудудий бўлиниши ҳисобга олинади.

Сайлов округлари, одатда, Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида сайловчилар сони тенг бўлинган ҳолда тузилади. Ҳар бир сайлов учун сайлов округидаги сайловчилар меъёри Олий Мажлис томонидан белгиланади.

Ҳар бир сайлов округидан битта депутат сайланади.

Сайлов округлари рўйхати уларнинг чегаралари, сайловчилар сони ва округ сайлов комиссияларининг жойлашган манзили кўрсатилган ҳолда Марказий сайлов комиссияси томонидан сайловлар тайинланганидан кейин кўпи билан 10 кун ичида эълон қилинади.

8-модда. Сайлов участкалари тузиш тартиби ва меъёрлари

Олий Мажлисга депутатлар сайловлари чоғида овоз беришни ўтказиш ва овозларни санаб чиқиш учун туманлар, шаҳарлар ва шаҳарлардаги туманларнинг ҳудудлари сайлов участкаларига бўлинади. Сайлов участкалари ҳарбий қисмларда ҳам тузилиб, қисм жойлашган жойдаги сайлов округига киради.

Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналарида, санаторийлар, дам олиш уйлари, касалхоналар ва бошқа даволаш стационар муассасаларда, олис ва бориш қийин бўлган ерлардаги фуқаролар турган жойларда сайлов участкалари тузилиши мумкин. Бу сайлов участкалари ўзлари жойлашган ердаги сайлов округларига киради. Ўзбекистондан ташқарида тузиладиган сайлов участкаларини сайлов округларига киритиш тўғрисидаги масала Марказий сайлов комиссияси томонидан ҳал этилади.

Сайлов участкалари туман, шаҳар ҳокимларининг тақдимномасига биноан округ сайлов комиссиялари томонидан тузилади. Ҳарбий қисмларда сайлов участкалари қисмлар ёки ҳарбий қўшилмалар командирларининг тақдимномасига биноан округ сайлов комиссиялари томонидан тузилади. Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналарида сайлов участкалари Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг тақдимномасига биноан Марказий сайлов комиссияси томонидан тузилади.

Сайлов участкалари сайловлар тайинланганининг ўн бешинчи кунидан кечиктирмай тузилади. Ҳарбий қисмларда, Ўзбекистон Республикасининг ваколатхоналарида, шунингдек олис ва бориш қийин бўлган ерларда ҳам сайлов участкалари ана шу муддатда, фавқулодда ҳолларда эса сайловларга камида беш кун қолганида тузилади.

Сайлов участкалари кўпи билан 3000 нафар сайловчидан иборат этиб тузилади.

Туман, шаҳар ҳокимлиги овоз беришни ташкил этиш учун ҳар бир сайлов участкасига бино ажратади.

Округ сайлов комиссияси участка сайлов комиссиясининг ва овоз бериш биносининг жойлашган манзилини кўрсатган ҳолда ҳар бир сайлов участкасининг чегаралари тўғрисида сайловчиларни хабардор этишни ташкил қилади.

III. САЙЛОВЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

9-модда. Сайлов комиссиялари

Олий Мажлисга сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш учун қуйидаги сайлов комиссиялари:

1) Олий Мажлисга сайловлар ўтказувчи Марказий сайлов комиссияси;

2) округ сайлов комиссиялари;

3) участка сайлов комиссиялари тузилади.

10-модда. Олий Мажлисга сайловлар ўтказувчи Марказий сайлов комиссиясини тузиш

Олий Мажлисга сайловлар ўтказувчи Марказий сайлов комиссияси раис, раис ўринбосари ва комиссия котиби ва камида 12 нафар аъзодан иборат таркибда тузилади.

Марказий сайлов комиссиясининг раиси ва аъзолари сайловлар тайинланишида Олий Мажлис томонидан тасдиқланади. Марказий сайлов комиссияси таркибига Қорақалпоғистон Республикасидан, ҳар бир вилоят ва Тошкент шаҳридан вакиллар киритилади.

Комиссия раисининг ўринбосари ва комиссия котиби комиссиянинг биринчи мажлисида сайланади. Марказий сайлов комиссияси ўз таркиби, жойлашган манзили ва телефон рақамларига доир маълумотларни Ўзбекистон Республикасининг расмий матбуот органларида эълон қилади. Комиссия раиси, раис ўринбосари, комиссия котиби ва аъзолари ўз вазифаларидан Олий Мажлис томонидан озод этилишлари мумкин.

Марказий сайлов комиссиясининг ваколат муддати Олий Мажлисга навбатдаги сайловлар тайинланган кундан эътиборан тугайди.

11-модда. Олий Мажлисга сайловлар ўтказувчи Марказий сайлов комиссиясининг ваколатлари

Марказий сайлов комиссияси:

1) республиканинг бутун ҳудудида ушбу Қонуннинг ижросини назорат қилади ва унинг бир хил тарзда қўлланилишини таъминлайди. Ўз ваколатлари доирасида сайлов кампаниясини ўтказиш учун зарур бўлган масалаларни ҳал этиш мақсадида йўриқномалар тайёрлайди;

2) сайлов комиссияларининг фаолиятини йўналтириб боради, агар ушбу Қонунга зид бўлса, республика Бош прокурорининг тақдимномасига биноан округ сайлов комиссияларининг Олий Мажлисга депутатлар сайловига доир қарорларини бекор қилади, сайлов комиссиялари таркибига ўзгаришлар киритиш тартибини белгилайди;

3) сайлов округлари тузади, уларга ном беради ва уларнинг тартиб рақамини белгилайди;

4) округ сайлов комиссиялари тузади;

5) Ўзбекистон Республикасидан ташқарида тузиладиган сайлов участкаларини қайси сайлов округига киритиш тўғрисидаги масалани ҳал этади;

6) сиёсий партияларнинг аризалари ва тегишли ҳужжатларини қабул қилиб олади;

7) депутатликка номзодлар сайлов кампаниясида иштирок этишлари учун тенг шарт-шароитлар таъминлайди;

8) депутатликка номзодларни рўйхатга олади;

9) сайлов комиссиялари бўйича пул маблағларини тақсимлайди, сайлов комиссиялари бинолар, транспорт, алоқа воситалари билан таъминланишини назорат қилади ва сайловларни моддий-техника жиҳатидан таъминлашга доир бошқа масалаларни кўриб чиқади;

10) Олий Мажлис депутатлари сайловига доир сайлов бюллетенларининг, сайловчилар рўйхатларининг, сайловолди йиғилишлари ва сайлов комиссиялари мажлислари баённларининг, сайловларга доир бошқа ҳужжатларнинг намуна ва шаклларини, сайлов қутилари ва сайлов комиссиялари муҳрларининг намуналарини, сайловга доир ҳужжатлар сақланишининг тартибини белгилайди;

11) сиёсий партияларнинг, Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг, бошқа давлат ва жамоат органларининг сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш билан боғлиқ масалалар хусусидаги ахборотларини тинглайди;

12) республика бўйича сайловларга умумий якун ясайди, сайланган депутатларни рўйхатга олади, Олий Мажлисга ўтказилган сайлов якунларига доир маълумотларни ва сайланган депутатларнинг рўйхатини матбуотда эълон қилади;

13) Олий Мажлис Мандат комиссиясига депутатларнинг ваколатларини текшириш учун зарур бўлган ҳужжатларни беради;

14) сайлов комиссияларининг қарорлари ва хатти-ҳаракатлари устидан тушган ариза ҳамда шикоятларни кўриб чиқиб, улар юзасидан узил-кесил қарорлар чиқаради;

15) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисидаги Қонуннинг жиноий жавобгарликка тортишга сабаб бўладиган бузилишларига доир материалларни прокуратура органларига ошириди;

16) ушбу Қонун ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунларига мувофиқ ўзга ваколатларни амалга оширади.

12-модда. Округ сайлов комиссиясини тузиш

Округ сайлов комиссияси Олий Мажлисга сайловлар ўтказувчи Марказий сайлов комиссияси томонидан тузилади. Округ сайлов комиссияси сайлов тайинланганидан кейин ўн беш кундан кечиктирмай раис, раис ўринбосари, комиссия котиби ва камида 6 нафар аъзодан иборат таркибда тузилади.

13-модда. Округ сайлов комиссиясининг ваколатлари

Округ сайлов комиссияси:

1) округ ҳудудида ушбу Қонун бажарилишини назорат қилиб боради;

2) сайлов участкалари тузади, округ бўйича уларнинг ягона тартиб рақамини белгилайди, манзилини кўрсатган ҳолда уларнинг рўйхатини матбуотда эълон қилади;

3) участка сайлов комиссияларининг фаолиятини уйғунлаштиради;

4) участка сайлов комиссиялари ўртасида пул маблағларини тақсимлайди, участка сайлов комиссияларининг бинолар, транспорт, алоқа воситалари билан таъминланишини назорат қилади ва сайлов округида сайловларни моддий-техника жиҳатидан таъминлашнинг бошқа масалаларини кўриб чиқади;

5) депутатликка номзодлар ва сиёсий партиялар сайлов кампаниясида иштирок этишлари учун тенг шарт-шароитларни таъминлайди;

6) депутатликка номзод кўрсатишни ташкил этишга кўмаклашади;

7) Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган депутатликка номзодларга тегишли гувоҳномалар берали;

8) депутатликка номзодларнинг сайловчилар билан учрашувларини ташкил қилади;

9) депутатларнинг ишончли вакилларини рўйхатга олади ва уларга тегишли гувоҳномалар беради;

10) сиёсий партиялар, давлат ҳокимияти маҳаллий органлари вакилларининг, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар раҳбарларининг сайловларга тайёргарлик ва уларни ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан ахборотларини тинглайди;

11) сайловчилар рўйхати тузилиши ва уларнинг ҳамма танишиши учун тақдим этилишини кузатиб боради;

12) сайлов округи бўйича сайлов бюллетени матнини тасдиқлайди, бюллетенлар тайёрланиши ва участка сайлов комиссиялари сайлов бюллетенлари билан таъминланишини ташкил этади;

13) сайлов округи бўйича сайлов натижаларини аниқлаб, Марказий сайлов комиссиясига тақдим этади;

14) такрорий овоз бериш ва такрорий сайловларни, шунингдек, бўшаб қолган ўринга депутат сайловини ташкил этади;

15) депутатни чақириб олиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этади;

16) участка сайлов комиссияларининг қарорлари ва хатти-ҳаракатлари устидан тушган ариза ҳамда шикоятларни кўриб чиқиб, улар юзасидан қарорлар қабул қилади;

17) ушбу Қонунга ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунларига мувофиқ ўзга ваколатларни амалга оширади.

14-модда. Участка сайлов комиссиясини тузиш

Участка сайлов комиссияси округ сайлов комиссияси томонидан тузилади. Участка сайлов комиссияси сайловлардан камида 30 кун олдин 5—19 нафар аъзодан, шу жумладан раис, раис ўринбосари ва котибдан иборат таркибда тузилади. Башарти, комиссия таркиби 7 нафаргача аъзодан иборат бўлса, раис ва котиб сайланади.

Участка сайлов комиссияси таркибининг сони заруратга қараб кўпайтирилиши ёки камайтирилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналарида участка сайлов комиссияси раисининг вазифаларини идора раҳбари амалга оширади.

15-модда. Участка сайлов комиссиясининг ваколатлари

Участка сайлов комиссияси:

1) участка бўйича сайловчиларнинг рўйхатини тузади;

2) сайловчиларни сайловчилар рўйхати билан таништиради, рўйхатда йўл қўйилган хатоликлар тўғрисидаги аризаларни қабул қилади ва кўриб чиқади, рўйхатга тегишли ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги масалани ҳал этади;

3) сайлов куни ўз турар жойида бўлиш ва овоз беришда иштирок этиш имкониятига эга бўлмаган сайловчилардан сайлов конвертларини қабул қилиб олади;

4) аҳолини сайлов куни ва овоз бериш жойи тўғрисида хабардор этади;

5) овоз бериш хоналари ва овоз бериш қутилари тайёрлаб қўйилишини таъминлайди;

6) сайлов куни сайлов участкасида овоз беришни ташкил этади;

7) сайлов участкасида берилган овозларни санаб чиқади;

8) сайловларга тайёргарлик ва овоз беришни ташкил этиш масалалари юзасидан тушган ариза ва шикоятларни кўриб чиқади.

16-модда. Сайлов комиссияларига аъзолик

Комиссиянинг раиси ва аъзолари шахсан берган аризаларига мувофиқ, шунингдек, ваколатларидан маҳрум этилганлари тақдирда ўз вазифаларини бажаришдан озод қилиниши мумкин.

Комиссия аъзосини ваколатларидан маҳрум этишга комиссияни тузган орган ҳуқуқли бўлиб, комиссия аъзоси ушбу Қонун талабларини бузгани ёки ўз вазифаларини мунтазам равишда инкор қилгани тақдирда ўз ваколатларидан маҳрум этилади.

Зарурат бўлганда сайлов комиссиясининг янги раиси ёки янги аъзоси ушбу Қонунда белгиланган тартибда тайинланади.

Сайлов комиссиясининг раиси, раис ўринбосари, комиссия котиби ва аъзолари бирор бир сиёсий партия ва ҳаракатнинг аъзоси бўлишлари мумкин эмас.

Сайлов комиссияси таркибига Олий Мажлис депутатлигига номзод кириши мумкин эмас.

17-модда. Сайлов комиссияларининг ишини ташкил этиш ва уларнинг ваколат муддати

Башарти, сайлов комиссиясининг мажлиси куни комиссия таркибининг камида учдан икки қисми иштирок этса, мажлис ваколатли ҳисобланади. Комиссия қарори очиқ овоз бериш орқали комиссия умумий таркибининг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Қарорга рози бўлмаган комиссия аъзолари ўзларининг алоҳида фикрларини баён этишга ҳақлидирлар, бу фикр ёзма шаклда баённа илова қилинади. Агар овозлар тенг бўлиниб қолса, раислик қилувчининг овози ҳал қилувчи кучга эга бўлади.

Сайлов комиссиясининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарори қуйи сайлов комиссиялари, шунингдек барча давлат органлари, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмалари, меҳнат жамоалари ва ҳарбий қисмлар, корхона, муассаса ва ташкилотлар раҳбарларининг ижроси учун мажбуриийдир.

Сайлов комиссиясининг қарори ва хатти-ҳаракатлари устидан юқори турувчи сайлов комиссиясига, шунингдек судга шикоят қилиниши мумкин.

Сайлов комиссиясининг раиси, раис ўринбосари, комиссия котиби ёки аъзоларидан бири комиссиянинг қарорига биноан сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш даврида ишлаб чиқариш ёки хизмат вазифаларини бажаришдан озод қилиниши мумкин. Бунда сайловларни ўтказиш учун ажратиладиган маблағлар ҳисобидан уларнинг ўртача ойлик иш ҳақи сақлаб қолинади.

Давлат ва жамоат органлари, сиёсий партияларнинг органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар сайлов комиссияларига ўз ваколатларини амалга оширишларида ёрдам беришлари, уларнинг иши учун зарур маълумотлар ва материаллар тақдим этишлари шарт.

Сайлов комиссияси сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан давлат ва жамоат органларига, сиёсий партияларнинг органларига, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга, мансабдор шахсларга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Улар комиссия ўртага қўйган масалани қараб чиқишлари ва сайлов комиссиясига кўпи билан уч кун ичида жавоб қайтаришлари шарт.

Округ ва участка сайлов комиссиялари депутатларнинг ваколатларини Олий Мажлис тўғри деб топганидан кейин ўз фаолиятларини тўхтатадилар.

18-модда. Сайлов комиссияларининг қарорлари устидан тушган шикоятларни қараб чиқиш

Депутатликка номзод кўрсатган сиёсий партиялар, ҳокимият вакиллик органлари, депутатликка номзодлар, уларнинг ишончли вакиллари, кузатувчилар ва сайловчилар сайлов комиссияларининг қарорлари устидан юқори турувчи сайлов комиссиясига ана шу қарор қабул қилинганидан кейин ўн кун ичида шикоят билан мурожаат қилишлари мумкин. Марказий сайлов комиссиясининг қарори устидан қарор қабул қилинганидан кейин ўн кун ичида Ўзбекистон Республикаси Олий судига шикоят билан мурожаат қилиниши мумкин. Шикоят келиб тушганидан кейин беш кун ичида, агар сайловларга олти кундан кам вақт қолган бўлса, дарҳол кўриб чиқилиши лозим.

19-модда. Сайлов кампаниясини молиявий таъминлаш

Олий Мажлис сайловларига тайёргарлик кўриш ва сайловларни ўтказиш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси давлат маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Олий Мажлис депутатлигига номзодларни бошқа маблағлар ҳисобидан молиявий таъминлаш ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш тақиқланади.

Сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва Ўзбекистон Республикасининг айрим фуқаролари сайловларни ўтказиш учун ихтиёрий равишда ўз маблағларидан беришлари мумкин. Бу маблағлар сайлов кампанияси вақтида фойдаланиш учун Марказий сайлов комиссияси томонидан қабул қилиб олинади.

Давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш учун зарур бўлган бино ҳамда асбоб-ускуналарни сайлов комиссияларининг ихтиёрига бепул берадилар.

IV. САЙЛОВЛАРНИ ТАЙИНЛАШ. ОЛИЙ МАЖЛИС ДЕПУТАТЛИГИГА НОМЗОДЛАР КЎРСАТИШ

20-модда. Олий Мажлис депутатлари сайловини тайинлаш

Депутатлар сайлови аввалги чақириқ Олий Мажлис депутатларининг ваколат муддати тугашига кечи билан икки ой қолганида Олий Мажлис томонидан тайинланади.

Республика ва маҳаллий оммавий-ахборот воситалари сайловлар тайинланганидан кейин кўпи билан уч кун ичида сайлов куни тўғрисида маълум қиладилар.

21-модда. Сайловларда иштирок этиш учун сиёсий партиялар тақдим этадиган ҳужжатлар

Олий Мажлис депутатлигига номзод кўрсатиш ҳуқуқини олиш учун сиёсий партия сайлов тайинланганидан кейин ўн кун ичида номзодлар кўрсатиш мўлжалланаётган сайлов округларини кўрсатган ҳолда партия раҳбари томонидан имзоланган сайловда қатнашиш тўғрисидаги аризани, шунингдек, сиёсий партия Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинганлигини тасдиқловчи ҳужжатни Марказий сайлов комиссиясига тақдим этиши лозим.

Ўқтириб ўтилган ҳужжатлар тақдим этилганидан кейин Марказий сайлов комиссияси сиёсий партия вакилига ариза қабул қилинган кун кўрсатилган маълумотнома беради ва аризалар берилган навбати тартибида сайловларда иштирок этувчи партияларнинг рўйхатини республика матбуотида эълон қилади.

22-модда. Олий Мажлис депутатлигига номзодлар кўрсатиш

Олий Мажлис депутатлигига номзодлар кўрсатиш сайлов куни тайинланганининг йигирманчи кунидан эътиборан бошланади ва сайловга йигирма беш кун қолганида тўхтатилади.

Сиёсий партияларнинг олий раҳбар органлари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасининг Жоқарғы Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари Олий Мажлис депутатлигига номзод кўрсатиш ҳуқуқига эгадирлар.

Сиёсий партияларнинг олий органлари депутатликка 150 нафар номзод, яъни ҳар бир сайлов округидан битта депутатликка номзод кўрсатишга ҳуқуқлидирлар. Қорақалпоғистон Республикаси Жоқарғы Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари тегишли ҳудудда жойлашган ҳар бир сайлов округи бўйича битта депутатликка номзод кўрсатишга ҳуқуқлидирлар. Бир шахс фақат битта округдан депутатликка номзод этиб кўрсатилиши мумкин. Депутатликка номзод танлаш тартиби сиёсий партиялар ва ҳокимият вакиллик органларининг ўзлари томонидан ҳал этилади.

Партия олий органи фақат ўз партияси аъзоларини ёки партиясизларни, ҳокимият вакиллик органлари эса у ёки бу партияга мансублигидан қатъи назар барча шахсларни депутатликка номзод этиб кўрсатишга ҳуқуқлидир.

Суд томонидан лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек, озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган ёки судланган шахслар депутатликка номзод этиб кўрсатилиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига депутатликка номзодлар кўрсатиш тўғрисидаги қарор очиқ ёки яширин овоз билан қабул қилинади. Овоз бериш тартиби сиёсий партия олий органи, ҳокимият вакиллик органи томонидан белгиланади.

Сиёсий партия олий органи делегатларининг, ҳокимият вакиллик органлари депутатларининг ярмидан кўпининг овозини олган шахс номзод этиб кўрсатилган ҳисобланади. Депутатликка номзод кўрсатганлик тўғрисида баён тузилади. Баённда Олий Мажлис депутатлигига номзод кўрсатилаётган сайлов округининг номи ва тартиб рақами кўрсатилади.

Сиёсий партиянинг раҳбар органи, ҳокимият вакиллик органининг раҳбари депутатликка номзодларни рўйхатга олиш илтимоси баён этилган ариза билан Марказий сайлов комиссиясига мурожаат қиладилар. Аризада депутатликка номзоднинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган вақти, касби, лавозими (машғулот тури), иш ва яшаш жойи, партияга аъзолиги ёки аъзо эмаслиги, шунингдек унинг номзоди қўйилиши мўлжалланаётган округнинг номи ва тартиб рақами кўрсатилади.

23-модда. Олий Мажлис депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш

Депутатликка номзодларни рўйхатга олиш тўғрисидаги қарор Марказий сайлов комиссияси томонидан: партия раҳбар шахси, тегишли ҳокимият вакиллик органининг раҳбари имзолаган аризалар, номзодларнинг рўйхатлари, ҳар бир номзоднинг муайян округдан ўз номзоди қўйилишига розилик берганлиги тўғрисидаги аризасидан иборат ҳужжатлар мавжуд бўлгани тақдирда қабул қилинади.

Сайлов комиссияси ҳужжатларни тақдим этган шахсга ҳужжатлар қабул қилиб олинган сана ва вақт кўрсатилган маълумотнома беради.

Башарти, тақдим этилган ҳужжатлар ушбу Қонун талабларига жавоб бермаса, мавжуд камчиликларга барҳам бериш мақсадида бу хусусда комиссия ҳужжатларни тақдим этган шахсларни хабардор этади.

Тегишли округ сайлов комиссияси депутатликка номзодлар Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинганидан кейин беш кун ичида депутатликка номзоднинг фамилиясини, исми ва отасининг исмини, туғилган йилини, лавозимини, иш ва турар жойини, шунингдек, депутатликка номзодни кўрсатган органнинг номини кўрсатган ҳолда рўйхатга олганлик тўғрисидаги маълумотни маҳаллий матбуотда эълон қилади.

Депутатликка номзодларни рўйхатга олиш сайловларга йигирма кун қолганида тўхтатилади. Рўйхатга олинганидан кейин Олий Мажлис депутатлигига номзодларга тегишли гувоҳнома берилади.

V. САЙЛОВЛАРДА ИШТИРОК ЭТАЁТГАН СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР, ДЕПУТАТЛИККА НОМЗОДЛАР ФАОЛИЯТЛАРИНИНГ КАФОЛАТЛАРИ

24-модда. Партияларнинг, Олий Мажлис депутатлигига номзодларнинг сайловолди дастури

Партияларга, Олий Мажлис депутатлигига номзодларга келгуси фаолияти тўғрисида ўз дастурини баён қилиш ҳуқуқи берилади. Партиялар ва депутатликка номзодларнинг дастурлари конституциявий тузумга, республика суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига қарши қаратилган бўлмаслиги, унда урушни тарғиб қилишга, ирқий ва диний ҳусуматга, миллий адоватга, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини камситишга даъват қилинган бўлмаслиги керак.

25-модда. Олий Мажлис депутатлигига номзодларнинг йиғилишларда сўзга чиқиш, оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш, ахборотлар олиш ҳуқуқи

Олий Мажлис депутатлигига номзодлар рўйхатга олинган вақтдан эътиборан сайловолди йиғилишлари ва бошқа йиғилишларда, кенгашларда, мажлисларда сўзга чиқиш, матбуотда, телевидение кўрсатувлари ва радио эшиттиришларида қатнашиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг раҳбарлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари депутатликка номзодларга сайловчилар билан учрашувлар ўтказишни ташкил этишда, зарур маълумот ва ахборот материаллари олишда ёрдам кўрсатишлари шарт.

26-модда. Ишончли вакиллар

Олий Мажлис депутатлигига номзод 5 нафарга қадар ишончли вакилга эга бўлиши мумкин. Ишончли вакиллар номзод депутат этиб сайланиши учун ташвиқот ишлари олиб борадилар, давлат ва жамоат органлари, сайловчилар билан ўзаро муносабатларда, шунингдек сайлов комиссияларида номзоднинг манфаатларини ҳимоя қиладилар.

Депутатликка номзод рўйхатга олингандан кейин ўз ишончли вакилларини ўзи белгилайди ва бу ҳақда округ сайлов комиссиясига маълум қилади. Сайлов комиссияси ишончли вакилларни рўйхатга олиб, уларга гувоҳнома беради.

Олий Мажлис депутатлигига номзод округ сайлов комиссиясига маълум қилган ҳолда сайловга қадар ўз ишончли вакилини исталган вақтда ваколатдан маҳрум қилиши ва уни бошқаси билан алмаштириши мумкин. Ишончли вакил сайловга қадар исталган вақтда ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилишга ҳақли.

Ишончли вакил сайлов комиссиясининг аъзоси бўлиши мумкин эмас.

27-модда. Олий Мажлис депутатлигига номзодларни сайловолди тадбирларида иштирок этишлари учун ишлаб чиқариш ёки хизмат вазифаларидан озод қилиш

Олий Мажлис депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олинган шахс сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш, сайловолди йиғилишларида сўзга чиқиш, телевидение кўрсатувлари ва радио эшиттиришларида қатнашиш вақтида сайловларни ўтказиш учун ажратиладиган маблағлар ҳисобидан ўртача ойлик иш ҳақи сақланган ҳолда ишлаб чиқариш ёки хизмат вазифаларини бажаришдан озод бўлиш ҳуқуқига эга.

28-модда. Олий Мажлис депутатлигига номзоднинг транспортда текинга юриш ҳуқуқи

Олий Мажлис депутатлигига номзод рўйхатга олинганидан кейин тегишли сайлов округи доирасида давлат пассажир транспортининг барча турларида (таксидан ташқари) текинга юриш ҳуқуқига эга бўлади. Сайлов округидан ташқарида яшовчи депутатликка номзод ҳам сайлов округига келиш ва ундан турар жойига қайтишда ана шундай ҳуқуқдан фойдаланади.

29-модда. Олий Мажлис депутатлигига номзодни рўйхатдан чиқариш ҳуқуқи. Депутатликка номзодликдан воз кечиш

Партия, ҳокимият вакиллик органи сайловларга қадар исталган вақтда у ёки бу шахсни депутатликка номзод этиб кўрсатиш тўғрисидаги ўз қарорини бекор қилиш ҳуқуқига эга. Номзод Марказий сайлов комиссияси томонидан тегишли партия органи ёки ҳокимият вакиллик органининг раҳбар шахси имзолаган аризага асосан рўйхатдан чиқарилади.

Олий Мажлис депутатлигига номзод сайловларга қадар исталган вақтда номзодликдан воз кечиши мумкин. Бунинг учун у Марказий сайлов комиссиясига ариза билан мурожаат қилади.

30-модда. Сайловолди ташвиқоти

Депутатликка номзодлар Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган кундан эътиборан сайловолди ташвиқотига киришишга ҳақлидирлар.

Депутатликка номзодга ўз сайловчилари билан йиғилишларда ҳам, сайловчилар учун қулай бўлган бошқа шаклда ҳам учрашув ўтказиш ҳуқуқи берилади. Сайловчилар йиғилишлари участка сайлов комиссияси томонидан туман, шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда ташкил этилади. Сайлов комиссиялари, туманлар ва шаҳарларнинг ҳокимликлари Олий Мажлис депутатлигига номзодларни йиғилишлар ўтказиш учун жиҳозланган бинолар билан таъминлайдилар, шунингдек, уларга сайловолди ташвиқот ишлари учун оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш имкониятини яратиб берадилар.

Йиғилишлар ва учрашувлар ўтказиладиган вақт ҳамда жой сайловчиларга олдиндан маълум қилинади.

Сайлов куни ташвиқот юритишга йўл қўйилмайди.

VI. САЙЛОВЧИЛАР РЎЙХАТЛАРИ

31-модда. Сайловчиларнинг рўйхатларини тузиш

Сайлов кунига қадар ёки сайлов кунида 18 ёшга тўлган, рўйхат тузилаётган вақтда ушбу сайлов участкаси ҳудудида доимий ёки вақтинча истиқомат қилаётган Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари сайловчилар рўйхатига киритиладилар.

Ҳар бир сайловчи фақат битта сайловчилар рўйхатига киритилиши мумкин.

Сайловчилар рўйхати ҳар бир сайлов участкаси бўйича участка сайлов комиссияси томонидан тузилиб, уни комиссия раиси ва котиби имзолайди. Участка сайлов комиссияси сайловчилар рўйхатини тузиш ишида қатнашиш учун жамоатчилик вакилларини жалб этиши мумкин.

Туманлар ва шаҳарларнинг ҳокимликлари сайловчиларни рўйхатга олишни таъминлайдилар ва участка сайлов комиссияларига тегишли ҳудудда истиқомат қилувчи сайловчилар тўғрисида сайловчилар рўйхатини тузиш учун зарур маълумотларни берадилар.

Рўйхатда ҳар бир сайловчининг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси ва манзили акс эттирилади.

Ҳарбий қисмлардаги ҳарбий хизматчи-сайловчиларнинг, шунингдек, ҳарбий қисмлар жойлашган ерда истиқом

ЛОЙИҲА

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИГА САЙЛОВЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши учинчи бетда).

Санаторийлар ва дам олиш уйларида, касалхоналар ва бошқа стационар даволаниш муассасаларида, Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналарида тузилган сайлов участкалари бўйича сайловчиларнинг рўйхатлари мазкур муассасалар (идоралар) раҳбарларининг тақдим этган маълумотлари асосида тузилади.

Сайловчиларнинг фамилиялари сайловчилар рўйхатларида овоз беришни ташкил этиш учун қулай бўлган тартибда кўрсатилади.

32-модда. Фуқароларни сайловчилар рўйхатлари билан таништириш

Сайловчиларнинг рўйхатлари сайловларга ўн кун қолганида, Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналарида, санаторийлар ва дам олиш уйларида, касалхоналар ва бошқа стационар даволаниш муассасаларида, олис ва бориш қийин бўлган жойларда тузилган сайлов участкаларида эса сайловларга еттй кун қолганида ҳамма танишиши учун тақдим қилинади. Участка сайлов комиссияси рўйхат билан танишиш жойи ва вақти тўғрисида сайловчиларни хабардор этади.

Фуқароларга участка сайлов комиссияси биносида сайловчилар рўйхати билан танишиш ва рўйхат қай даражада тўғри тузилганлигини текшириш имконияти таъминланади.

33-модда Сайловчилар рўйхатларига аниқлик киритиш

Сайловчилар рўйхатларидаги ноаниқликларга таллуқли мулоҳазалар сайловчи томонидан участка сайлов комиссиясига сайловларга кечи билан етти кун қолганида маълум қилиниши мумкин. Участка сайлов комиссияси мулоҳаза билдирилган вақтдан бошлаб икки кун ичида уни кўриб чиқиб, қарор қабул қилиши шарт. Участка сайлов комиссиясининг қарори устидан округ сайлов комиссиясига икки кун ичида шикоят қилиниши мумкин, округ сайлов комиссиясининг қарори шикоят тушган вақтдан бошлаб икки кун ичида қабул қилиниши лозим. Округ сайлов комиссиясининг қарори узил-кесил ҳисобланади.

34-модда. Фуқароларнинг сайловчилар рўйхатида йўл қўйилган хатога таллуқли мурожаатларини қараб чиқиш тартиби

Сайловчининг сайловчилар рўйхатида йўл қўйилган, уни ўз сайлаш ҳуқуқларини рўёбга чиқариш имкониятидан маҳрум этадиган хато устидан қилган шикояти сайловчи томонидан сайловларга камида етти кун қолганида участка сайлов комиссиясига топширилади. Участка сайлов комиссияси сайловга қадар ўн кундан кам вақт қолган бўлса, шикоятни дарҳол ёки шикоят тушган вақтдан бошлаб кўпи билан икки кун ичида кўриб чиқиб, қарор қабул қилиши шарт.

Участка сайлов комиссиясининг қарори устидан уч кун ичида туман (шаҳар) судига шикоят қилиниши мумкин, суд шикоятни икки кун ичида кўриб чиқади ва у қабул қилган қарор узил-кесил ҳисобланади.

Белгиланган муддатлар ўтказиб юборилган тақдирда шикоятлар қараб чиқилмайди.

35-модда. Сайлов бюллетени

Сайлов бюллетенига депутатликка номзоднинг фамилияси, исми, отасининг исми алфавит тартибида киритилиб, унинг туғилган йили, эгаллаган лавозими (машғулот тури) ва номзод этиб кўрсатган органнинг номи кўрсатилади.

Бюллетенлар давлат тилида, шунингдек, округ сайлов комиссиясининг қарорига биноан сайлов округи аҳолисининг кўпчилиги фойдаланадиган тилларда нашр этилади.

36-модда. Сайлов бюллетенларини етказиб бериш

Участка сайлов комиссиялари сайловларга камида беш кун қолганида бюллетенларни олишлари лозим. Бюллетенлар олинганлигини комиссия раиси, раис ўринбосари ёки комиссия котиби ўз имзоси билан тасдиқлайди.

VII. ОВОЗ БЕРИШ

37-модда. Овоз бериш вақти ва жойи

Овоз бериш сайловлар куни маҳаллий вақт билан соат 7 дан соат 20 гача ўтказилади. Участка сайлов комиссияси сайловларга камида ўн кун қолганида овоз бериш вақти ва жойи тўғрисида сайловчиларни хабардор қилади.

Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналарида, ҳарбий қисмларда, санаторийларда, дам олиш уйларида, касалхоналар ва бошқа стационар даволаниш муассасаларида, шунингдек, олис ва бориш қийин бўлган ерлардаги фуқаролар турган жойларда тузилган сайлов участкаларида, башарти, рўйхатга киритилган барча сайловчилар овоз бериб бўлган бўлса, участка сайлов комиссияси исталган вақтда овоз бериш тугаганлигини эълон қилиши мумкин.

38-модда. Бинони овоз бериш учун тайёрлаш

Овоз бериш махсус ажратилган биноларда ўтказилади. Бу биноларда яширин овоз бериш учун етарли миқдордаги кабиналар ёки хоналар тайёрланган бўлиши, сайлов бюллетенлари бериш учун жой ажратилиб, сайлов қутилари қўйилган бўлиши лозим. Сайлов қутилари овоз берувчилар улар ёнига келган вақтда, албатта, яширин овоз бериш кабиналари ёки хоналари орқали ўтадиган қилиб жойлаштирилади. Овоз бериш биносида бирон-бир бошқа сиёсий тадбир ўтказилишига рухсат этилмайди. Бинони жиҳозлаш ва унда зарур тартибни сақлаб туриш масъулияти участка сайлов комиссияси зиммасидадир.

39-модда. Овоз беришнинг бошланиши

Сайловлар куни овоз бериш биноси участка сайлов комиссияси аъзоларининг камида учдан икки қисми ҳозир бўлгандагина очилади. Сайлов комиссиясининг аъзолари сайлов қутисини сўғичлайдилар, сайлов бюллетенлари ва сайловчиларнинг рўйхатларини ўзаро тақсимлайдилар ҳамда сайлов бошланганлигини эълон қиладилар. Бюллетенларнинг миқдори сайлов участкасининг овозлар санаб чиқиб қайд этиладиган баённига ёзиб қўйилади.

40-модда. Сайловчининг шахсини аниқлаш

Овоз бериш биносига келгач, сайловчи участка сайлов комиссиясининг аъзосига ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжат кўрсатади ҳамда сайловчилар рўйхатига имзо қўяди. Сайловчи ўз имзосини қўйганидан кейин унга сайлов бюллетени берилади.

Бирор-бир сабабга кўра сайловчилар рўйхатига киритилмаган сайловчилар ўз шахси, фуқаролиги ва турар жойини тасдиқловчи ҳужжатга асосан сайловчилар рўйхати иловасига киритиладилар.

41-модда. Овоз бериш тартиби

Сайлов бюллетени овоз берувчи томонидан яширин овоз бериш кабинаси ёки хонасида тўлдирилади. Бюллетенни тўлдириш вақтида овоз берувчилардан бошқа шахсларнинг ҳозир бўлиши тақиқланади. Мустақил равишда бюллетенни тўлдириш имконига эга бўлмаган сайловчи ўз хоҳишига кўра, сайлов комиссияси таркибига кирган шахслардан бўлак шахсни кабина ёки хонага таклиф қилишга ҳақлидир.

Сайловда сайловчи ўзи қарши овоз бераётган номзодларнинг фамилияларини ўчиради.

Овоз берувчи тўлдирилган бюллетенни сайлов қутисига ташлайди.

Сайловчининг илтимосига кўра бузиб қўйилган сайлов бюллетени янгиси билан алмаштирилиши мумкин. Бузиб қўйилган сайлов бюллетенлари ҳисобга олиниши, тугатилиши ва алоҳида сақланиши лозим.

Сайловлар куни ўз турар жойида бўлиш имкониятига эга бўлмаган сайловчи ўз турар жойидаги участка сайлов комиссиясидан сайлов варақлари талаб қилиб, бир қарорга келиб, тўлдирилган сайлов варақларини конвертга солиб ва уни ёпиб, участка комиссиясида қолдириши мумкин. Сайловчи сайлов варақларини олаётган вақтида сайловчилар рўйхатига имзо қўяди. Сайлов варақларининг шакли Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланади.

Айрим сайловчилар саломатлигининг яхши эмаслиги ёки бошқа сабабларга кўра овоз бериш биносига кела олмаганлари тақдирда уларнинг илтимосига кўра участка сайлов комиссияси комиссия аъзоларига овоз беришни ана шу сайловчилар турган жойда ташкил этишни топширади.

42-модда. Сайлов участкасида овозларни санаб чиқиш

Сайлов участкасида ҳар бир номзод бўйича овозлар участка сайлов комиссияси томонидан алоҳида-алоҳида санаб чиқилади.

Овоз бериш тугаб, сайлов қутилари очилиши олдидан участка сайлов комиссиясининг аъзолари иштирокида сайлов варақлари солинган ёпиқ конвертлар қутига ташланади.

Сайлов қутилари участка сайлов комиссиясининг раиси овоз бериш тугаганини эълон қилганидан кейин участка сайлов комиссияси томонидан очилади. Овоз бериш тугагунига қадар сайлов қутиларини очиш тақиқланади. Сайлов қутилари очилишидан олдин фойдаланилмаган барча сайлов бюллетенлари санаб чиқилиб, участка сайлов комиссияси томонидан тугатилади.

Участка сайлов комиссияси участкадаги сайловчиларнинг умумий сонини, бюллетень олган сайловчиларнинг сонини аниқлайди. Сайлов қутиларидаги бюллетенлар ва сайлов варақларига асосан комиссия овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг умумий сонини; ҳар бир номзодни ёқлаб ва унга қарши берилган овозлар сонини; ҳақиқий эмас деб топилган бюллетенлар, варақлар сонини аниқлайди. Сайловчилар томонидан бюллетенларга ва варақларга қўшимча тарзда ёзилган фуқароларнинг фамилиялари бўйича берилган овозлар ҳисобга олинмайди.

Белгиланмаган намунадаги сайлов бюллетенлари ва варақлари, шунингдек овоз бериш чоғида биттадан ортиқ номзоднинг фамилияси қолдирилган сайлов бюллетенлари ва варақлари ҳақиқий эмас деб топилади. Сайлов бюллетени ёки варағининг ҳақиқийлиги тўғрисида шубҳа туғилса, бу муаммо сайлов участкаси томонидан овоз бериш орқали ҳал этилади.

Овозларни санаб чиқиш натижалари участка сайлов комиссиясининг мажлисида қараб чиқилиб, баённда акс эттирилади. Баён раис, раис ўринбосари, комиссия котиби ва аъзолари томонидан имзоланиб, Марказий сайлов комиссияси белгилаган тартибда тегишли округ сайлов комиссиясига жўнатилади.

43-модда. Округ бўйича сайлов натижаларини аниқлаш.

Округ сайлов комиссияси участка сайлов комиссияларининг баённлари асосида:

округ бўйича сайловчиларнинг умумий сонини;

сайлов бюллетенлари ва варақлари олган сайловчиларнинг сонини;

овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг сонини;

ҳар бир депутатликка номзодни ёқлаб ва унга қарши берилган овозларнинг сонини;

ҳақиқий эмас деб топилган бюллетенлар ва варақлар сонини аниқлайди.

Овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг ярмидан кўпининг овозини олган Олий Мажлис депутатлигига номзод депутат этиб сайланган ҳисобланади.

Башарти, сайловларда сайловчилар рўйхатига киритилган сайловчиларнинг ярмидан ками иштирок этган бўлса, сайлов бўлмаган деб ҳисобланади.

Сайловлар чоғида ёки овозларни санаб чиқиш вақтида йўл қўйилиб, оқибат натижада овоз бериш якунларига таъсир қилган қонунбузарлик туфайли сайловлар умуман ёки айрим округлар ёхуд айрим сайлов участкалари бўйича бўлмаган деб, топилиши мумкин. Сайловларни ҳақиқий эмас деб топишга доир қарор Марказий сайлов комиссияси томонидан қабул қилинади ва бу қарор устидан сайлов якунлари эълон қилинган кундан эътиборан ўн кун ичида Ўзбекистон Республикаси Олий судига шикоят қилиниши мумкин. Сайловларни ҳақиқий эмас деб топишга доир қарорлар устидан шикоят қилишга Олий Мажлис депутатларига номзодлар ҳуқуқлидирлар.

Марказий сайлов комиссиясининг қарорига биноан айрим сайлов участкаларида сайловлар ҳақиқий эмас деб топилгани тақдирда ана шундай участкалар бўйича овоз бериш натижалари сайловларнинг умумий натижаларидан чиқариб ташланади, башарти, ана шу чиқариб ташланган овоз бериш натижаларисиз ҳам сайловлар умуман ҳақиқий деб топилиши мумкин бўлса.

45-модда. Такрорий овоз бериш

Башарти, сайлов округи бўйича Олий Мажлис депутатлигига икки нафардан ортиқ номзод қўйилган бўлса-ю, уларнинг бирортаси ҳам сайланмаса, округ сайлов комиссияси энг кўп овоз олган икки нафар номзод бўйича округда такрорий овоз бериш ўтказиш ҳақида қарор қабул қилади ва бу ҳақда Марказий сайлов комиссияси ҳамда округ сайловчиларини хабардор қилади. Такрорий овоз бериш ушбу Қонуннинг талабларига риоя этган ҳолда икки ҳафта ичида ўтказилади.

Такрорий овоз беришда бошқа номзодга нисбатан иштирок этган сайловчиларнинг кўпроқ овозини олган Олий Мажлис депутатлигига номзод сайланган деб ҳисобланади, башарти, рўйхатга киритилган сайловчиларнинг ярмидан кўпи овоз беришда иштирок этиб, ана шу номзодни ёқлаб берилган овозлар қарши берилган овозлардан кўп бўлса.

46-модда. Такрорий сайловлар

Қуйидаги ҳолларда, чунончи:

а) башарти, сайлов округида сайлов бўлмаган ёхуд ўтказилган сайлов ҳақиқий эмас деб топилса;

б) башарти, такрорий овоз бериш Олий Мажлисга депутат сайланганлигини аниқлашнинг имконини бермаса;

в) башарти, сайлов округи бўйича Олий Мажлис депутатлигига кўпи билан икки нафар киши ўз номзодини қўйган бўлса-ю, улардан бирортаси ҳам сайланмаса;

г) башарти, Марказий сайлов комиссияси ушбу Қонуннинг 49-моддасида уқтириб ўтилган сабабга кўра депутатни рўйхатга олишни рад этган бўлса, такрорий сайловлар ўтказилади.

Такрорий сайловлар округ сайлов комиссияси томонидан Марказий сайлов комиссиясининг топшириғига биноан ўтказилади. Бундан Марказий сайлов комиссияси такрорий сайловлар янги таркибдаги округ ва участка сайлов комиссиялари томонидан ўтказилиши зарурлиги тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин. Овоз бериш умумий сайловлар ўтказиш учун тузилган сайлов участкаларида ва сайловчиларнинг рўйхатлари бўйича ўтказилади.

Асосий сайловлар ўтказиш вақтида номзоди Олий Мажлис депутатлигига кўрсатилган ва рўйхатга олинган шахс ана шу ва бошқа округда такрорий сайловларда иштирок этиши мумкин эмас.

Такрорий сайловлар умумий сайловлардан кейин кўпи билан бир ой ичида ўтказилади. Сайлов комиссиялари тузиш, депутатликка номзодларни рўйхатга олиш ва бошқа тадбирлар ушбу Қонунда белгиланган тартибда ўтказилади.

47-модда. Бўшаб қолган ўринларга Олий Мажлис депутатларининг сайловларини ўтказиш

Олий Мажлис айрим депутатларининг ваколатларини ҳақиқий эмас деб топган тақдирда, шунингдек, депутат чақириб олинган, унинг депутатлик ваколатлари бошқа сабабларга кўра муддатидан олдин тўхтатилган ҳолларда тегишли сайлов округларида депутат ўрни бўшаб қолган вақтдан бошлаб икки ой ичида янги сайловлар ўтказилади. Сайловлар Марказий сайлов комиссияси томонидан сайловлар ўтказилишига камида бир ой қолганида тайинланиб, ушбу Қонуннинг талабларига риоя этган ҳолда ташкил этилади. Бунда округ сайлов комиссияси сайловларга йигирма беш кун қолганида, участка сайлов комиссиялари эса ўн беш кун қолганида тузилади. Депутатликка номзодларни рўйхатга олиш сайловларга қадар ўн беш кун қолганида тўхтатилади.

VIII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

48-модда. Олий Мажлис депутатларини рўйхатга олиш

Марказий сайлов комиссияси Олий Мажлис депутати этиб сайланганларни рўйхатга олади ва Олий Мажлис депутати этиб рўйхатга олинганларнинг таркибини фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили, эгаллаган лавозими (машғулот тури), иш ва яшаш жойини кўрсатган ҳолда матбуотда эълон қилади.

49-модда. Снёсий партиялардан номзод этиб кўрсатилган Олий Мажлис депутатларини рўйхатга олишни рад этиш

Агар муайян партия кўрсатган жами депутатликка номзодлар сайловларда тўплаган умумий овоз Ўзбекистон Республикасининг овоз беришда иштирок этган барча сайловчилар овозининг саккиз фоизидан кам бўлса — Олий Мажлис депутати этиб рўйхатга олинмайдилар.

50-модда. Олий Мажлис депутатининг гувоҳномаси ва кўкракка тақиладиган нишони.

Округ сайлов комиссияси Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган Олий Мажлис депутатларининг таркиби матбуотда эълон қилинганидан кейин округдан сайланган депутатга унинг сайланганлиги тўғрисида гувоҳнома беради.

Олий Мажлис томонидан депутатнинг ваколати тасдиқланганидан кейин депутат этиб сайланганлиги тўғрисида унга берилган гувоҳнома Олий Мажлис депутат гувоҳномаси билан алмаштирилади. Депутатга белгиланган намунадаги кўкракка тақиладиган нишон берилади.

Ушбу Қонун лойиҳасига доир таклиф ва мулоҳазаларингизни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари қўмитасига юборишингиз мумкин.

ЖАҲОН ЖАМИЯТИГА ҚЎШИЛИШ — ОЛИЙЖАНОБ МАҚСАДИМИЗ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Европа қайта тиклаш ва тараққиёт банкининг биринчи вице-президенти Рональд Фриман республика Миллий ахборот агентлиги мухбирининг: «Бўлиб ўтган учрашувлардан қандай таассурот олдингиз? деган саволига жавобан, Ўзбекистон анжуманга қудратли «махфий» курол тайёрлаб қўйганини, кўнгли очиқ, истеъдодли халқ қалбини забт этганини айтди. У республика жаҳондаги йирик молиявий доираларни биринчи навбатда сиёсий барқарорлиги, республика раҳбариятининг бозор иқтисодиётига сакрашларсиз, аста-секин ўтишга қаратилган, пухта ўйланган аниқ йўли жалб этаётганлигини алоҳида уқтирди. Бу Европа Қайта тиклаш ва тараққиёт банки ўтказаётган сиёсатга ҳам тўла-тўкис мос келади. Банк Марказий Осиё минтақасидаги йирик республикада кичик ва ўртача бизнесни пул билан таъминлаш учун яқин вақт ичида юз миллион доллар атрофида пул ажратишга тайёр. Бу дастур турли тармоқлардаги корхоналарни хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқаришнинг боришига мувофиқ равишда уч босқичда амалга оширилади.

Р. Фриман журналистларнинг эътиборини Президент Каримов сифат жиҳатидан янги иқтисодий йўлга ўтиш юзасидан ишлаб чиққан бешта принципга қаратди. Европа қайта тиклаш ва тараққиёт банкининг биринчи вице-президенти бу принципларнинг ҳаққонийлиги ва ҳаётийлиги унинг асосий қимматидир, деб таъкидлади. Бу принциплар республика ўтказаётган ижтимоий-иқтисодий сиёсатда ҳам ўз аксини топмоқда.

Маълумки, республика Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки мазкур катта халқаро анжуманнинг ташкилотчиларидан биридир. Бу банк ташкил этилганига атиги икки йил бўлди. Лекин, шу вақт ичида мазкур банк халқаро молия бозорида ишончли ва нуфузли ҳамкор эканлигини кўрсатди. Буни АҚШ молия ходимлари ўтказган халқаро текшириш ҳам тасдиқлади. Банк катта молиявий имкониятларга эга бўлибгина қолмай, ўз таъсир доирасини ҳам кенгайтирмоқда. У Марказий Осиё минтақаси мамлакатларидаги худди шундай банклар орасида биринчи бўлиб энг нуфузли халқаро ташкилотга қабул қилингани ҳам бежиз эмас.

Анжуманнинг асосий мақсади қандай? Бу саволга Ислом Каримов ғоят аниқ жавоб қилди.

— Ўзбекистоннинг жаҳон ягона молия тизимига қўшилиши, унинг кенг кўламда шу тизимга яқинлашуви барқарор валюта тушумларини талаб қилади. Лекин, хомашё етиштиришга қаратилган экстенсив тараққиёт йўли биз учун мақбул эмас. Фан билан боғлиқ бўлган илғор технологияларни жорий этиш, рақобатбардошли тайёр маҳсулотни ишлаб чиқаришгина молиявий барқарорликни таъминлайди. Ўзбекистон жаҳондаги ривожланган мамлакатлар қаторига албатта ўтиб олишига ишонаман. Бунинг учун Ўзбекистонда ҳамма имкониятлар: халқнинг юксак салоҳияти, бой ресурслар, бозор иқтисодиётининг шакллана етган ёрдамчи соҳалари мавжуд. Лекин валюта топиш ягона мақсад бўлмаслиги керак. Биз келажак авлодлар ҳақида ўйлашга мажбурмиз. Шу сабабли атроф муҳитни соғломлаштириш йўлига қатъий ўтиб олдик. Республикада пахта ҳамда кўп миқдорда кимёвий дорилар ишлатишни талаб қиладиган бошқа экин майдонлари аста-секин камайтирилмоқда. Кимё ва мудофаа саноатининг ишлаб чиқариши камайтирилди, бир қанча корхоналарнинг ишлаб чиқариш соҳаси қисман ўзгартирилди. Яқин вақтгача барча ёш мустақил давлатлар эркинлик шавқига ғарқ эди. Лекин шавқ-завқ даври ўтди. Иқтисодий эркинлик бўлмай туриб, сиёсий эркинлик бўлиши мумкинми? Бўлмайди, албатта. Шу сабабли бизнинг асосий вазифамиз — чинакам иқтисодий мустақилликка эришиш, ривожланган мамлакатлар билан тенглашиб, жаҳон ҳамжамиятига қўшилишдир. Биз шу мақсад сари ишонч билан олға бормоқдамиз.

Сўнгра Ўзбекистон Президенти банк ва молия ходимларининг иши тўғрисида гапирди. Уларнинг фаолиятисиз ҳаётий муҳим соҳаларнинг бирортаси ҳам меъёрий ишлаши мумкин эмаслигини таъкидлади. Шу боисдан банк ва молия ходимларининг Тошкентда ўтказган пухта, яхши ўйланган ва холис текшириши иқтисодий қудрати ошиб бораётган ёш давлатда ислоҳотлар муваффақиятли ўтишига ишонч бағишламоқда.

Оммавий ахборот воситаларининг вакилларини Ўзбекистон рубль зонасида қоладими, у катта нефть захираларини қандай тасарруф этмоқчи, Тожикистон — Афғонистон чегарасидаги кескин вазиятга муносабатда республика раҳбариятининг тутган йўли қандай, деган саволлар ҳам қизиқтирди. Бу саволларнинг деярли ҳаммаси Ислом Каримовга берилди.

Республика раҳбари журналистлар билан учрашув арафасида Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев ҳамда Россия Федерациясининг Бош вазири Виктор Черномирдин билан телефон орқали гаплашганини айтди. Ўзбекистон ҳозирча рубль зонасида қолади, лекин бу — республика ўз пулини жорий этишдан воз кечди, деган гап эмас. Миллий валютани жорий этиш учун муайян шарт-шароит зарур. Бу ишда шошма-шошарлик фақат зарар келтиради.

Нефть заҳиралари ҳақида гапирадиган бўлсак, уларни қидириш учун тендердан, яъни танловдан фойдаланмоқчимиз. АҚШ, Англия, Франция, Саудия Арабистони компаниялари ва фирмалари бу танловда энг яхши ва энг самарали лойиҳалар билан қатнашиш истагини билдирди. Унга бошқа мамлакатларнинг ҳам қўшилиши шубҳасиз.

Ислом Каримов Тожикистон — Афғонистон чегарасида ҳамон давом этаётган можаролар хусусида республиканинг тутган йўли тўғрисида гапириб, июль ойининг охирида Алматида айтган фикрини такрорлади. Бу фикр шундан иборатки, жуда кескин бу муаммони куч билан ҳал қилиш мумкин эмас. Афғонистон раҳбарияти билан ҳам, Тожикистондаги ички мухолифат билан ҳам сиёсий мулоқот зарур. Мустақил мамлакатлар ҳамдўстлиги доирасида имзоланган ялпи хавфсизлик тўғрисидаги шартнома мавжуд. Шу сабабли айрим мамлакатларнинг ўзини четга олишга, мавжуд муаммолардан четлашишга интилиб, бир четда кузатиб туришга харакат қилаётгани ҳайратланарлидир.

Рональд Фриман журналистлар билан учрашувга якун ясаб, унинг натижаларидан мамнунлигини айтди. У Ўзбекистон бундан кейин ҳам молия ходимларининг кўплаб халқаро учрашувларини ўтказишда ташкилотчи бўлади, деб умид билдирди. Бундай учрашувлар фақат Ўзбекистон учунгина эмас, Марказий Осиё минтақасидаги бошқа мамлакатлар учун ҳам фойдали бўлади.

Ислом Каримов билан Рональд Фриман журналистларнинг бошқа саволларига ҳам жавоб қайтардилар.

Л. ЛЕВИН,
ЎзА мухбири.

• СЕССИЯДАН КЕЙИНГИ ЎЙЛАР

ВАТАННИ СЕВАЙЛИК

УНИ СЕВГАН ИНСОН ҲЕЧ ҚАЧОН ЖИНОЯТ ЙЎЛИГА КИРМАЙДИ

«Бир ҳақиқатни ҳаммамиз яхши англаб олишимиз зарур: ўз муқаддас буюк мақсадларимизга эришмоғимиз учун ҳар қайси хонадонимизда, юртимизда тинчлик-осойишталик, бир-биримиз билан аҳил, меҳр-оқибатли бўлиб яшашимиз керак».

Президентимиз Ислом Каримовнинг куни кеча ўз ишини якунлаган Ўзбекистон Олий Кенгаши ўн учинчи сессиясида сўзлаган нутқидаги ушбу сатрлар аминманки ҳар бир виждонли кишининг қалбини чексиз ҳаяжонга солади, уни ватанпарварликка, ўз элини, юртини севишга чақиради.

Ўз халқини, ўз Ватанини севган инсон ҳеч қачон жиноят йўлига юрмайди. Аксинча, она Ватани учун фидойи ва ҳалол меҳнат қилади, уни кучига куч, қудратига қудрат қўшади. Менимча, яратилажак истиқлол мафкурасининг ҳам асосий йўналишларидан бири — энг аввало мустақил Ўзбекистоннинг соғлом келажак авлодини тарбиялашдан, кишилар онгини юксалтиришдан иборат бўлмоғи керак. Юртбошимиз айтганидек, «Ҳар бир инсон ўз виждони олдида ҳисоб берадиган давр... Мустақиллик карвони йўлга чиққан экан, уни ҳеч ким тўхтатишга қодир эмас. Биз, албатта манзилга етиб борамиз.

Шу катта улуғвор мақсадлар йўли равон бўлишига ҳуқуқий замин яратиш, бугунги давр талабларига жавоб бера оладиган қонунларни қабул қилиш, Ўзбекистонимиз халқини ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш, келажакка оид барча йўналишларни аниқ белгилаб олишдаги катта хизматларингизни тарих ва замон албатта эслайди ва муносиб тақдирлайди».

Юртбошимизнинг бу гаплари айни ҳақиқат. Тинчлик ва осойишталикни сақлабгина биз бошқа қардош республикалардан анча илгарилаб бораяпмиз.

Бу эзгу мақсадларимиз биз ҳуқуқ-тартибот ҳимоячилари зиммасига ҳам катта вазифаларни юклайди. Президентимизнинг уюшган жиноятчиликка қарши кураш ташаббусини изчил давом эттириб вилоятимизда осойишталикни йўлга туширдик. Айни пайтда ходимларимиз ўз хизмат бурчига садоқат кўрсатиб, осойишталикни таъминлашдек мураккаб ишни уддалаб келмоқдалар. Барча куч ва имкониятларимиз энг аввало ана шу мақсадга қаратилмоқда. Бир қатор шаҳарларда, районларда, шу жумладан Қўқон, Олтиариқ, Ёзёвон, Қува ва бошқа жойларда қатор кўп тармоқли комплекс тадбирлар, текширувлар ўтказиб турибмиз. Уларнинг натижалари ёмон бўлмаяпти. Ўтказилаётган тадбирларнинг натижалари чуқур таҳлил этилиб, жойларда жиноятчиликнинг олдини олиш, фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш бўйича тегишли ёрдамлар кўрсатилмоқда.

Маълумки, ҳеч ким жиноятчи бўлиб туғилмайди. Фақат бу унинг қандай тарбия топишига, қайси муҳитда нафас олишига, ёмон шахслар тўдасига, қобиғига ўралиб қолишига боғлиқ. Шу боис жиноят содир этилгунча қўл қовуштириб турмасдан, балки, унинг олдини олиш муҳимроқдир. Жиноятчиликнинг келиб чиқиш туб сабабларини аниқламоқ, унинг илдизини ўз вақтида қуритмоқ, яна муҳимдир. Бу ишлар оқибатида ижобий силжишлар рўй бераётганини айтмоқ жоиздир. Чунончи, шу йилнинг ўтган ойлари мобайнида ўта қонун бузишлар, энг оғир жиноят турлари вилоятимизда кескин камайди. Шу йилнинг ўзида 127 та уюшган жиноятчилар гуруҳлари фош этилиб, улар томонидан содир этилган 317 та жиноят иши аниқланди. Мазкур жиноят ишлари бўйича 387 та киши жиноий жавобгарликка тортилди. Бу гуруҳларнинг иштирокчиларидан жами 21 та ўқ отар қуроли, 29,5 килограмм наркотик моддалар, 18 та ўғирланган автомашина ва 7 миллион сўм пул топилиб, давлат фойдасига мусодара қилинди.

Ҳуқуқ-тартибот органлари, чунончи милиция — прокуратура — миллий хавфсизлик бошқармаси ходимлари билан ҳамкорликда иш олиб боришимиз яхши самаралар бераяпти. Халқнинг бизга бўлган ишончи кучаймоқда, милиция ходимининг халқ дарди билан яшаши, уни ҳар қандай шароитда ҳимоя қила билиш қобилияти ошиб бораётганлиги кишиларда шундай ижобий муносабат уйғотмоқда. Одамларнинг ўзи ҳам, айниқса маҳалла қўмиталари жиноятчиликка қарши курашда бизга яқиндан ёрдам бериб келмоқдалар.

Маълумки, бизнинг вилоятимиз қўшни Қирғизистон, Тожикистон республикалари билан чегарадош. Ҳукуматимизнинг республикадан ташқарига моддий-товар бойликларини қонунсиз равишда олиб чиқиб кетмаслик тўғрисидаги қарорига биноан бу чегараларда бошқармамизга тегишли 84 та пост ишлаб турибди. Улар давлат, халқ мулкини талонторож қилувчилар йўлига ишончли ғов ташлашмоқда. Ва ҳатто бундай постларга жиноятчилар томонидан уюштирилаётган ҳужумларни ҳам мардона бартараф этиб, улардан кўплаб товар-моддий бойликларини тортиб олиб, давлат ҳисобига ўтказяптилар.

Шундай бўлса-да, ҳали бизнинг ишларимизда ҳам камчиликлар, қилинадиган ишлар кўп. Чунки биргина ўтган ярим йилликда қайд этилган 5132 та умумий жиноятчилик ҳали биздан кўп тер тўкиб ишлашимизни тақозо этади. Кадрларимизга шарт-шароит яратиб бериш, уларнинг хушёрлигини, зийраклигини, тезкорлигини, ошириш, ишлар самарадорлигини кучайтириш учун эса қўшимча куч ва воситаларни сафарбар этишимиз керак. Шунингдек, жойларда ишларни яхшилаш учун захирада бўлган имкониятлардан оқилона фойдаланишни йўлга қўйишимиз керак. Тўғри, бизга бу борада Республика Ички ишлар вазирлиги, вилоят ҳокимлиги бераётган ёрдам ғоят катта аҳамият касб этмоқда.

Бир сўз билан айтганда, Президентимиз бошлаб берган ташаббусни изчил давом эттириб, халқнинг тинч-осойишталигини сақлаш йўлида тинмай меҳнат қилаверамиз. Зеро, сессияда таъкидлаб ўтилганидек, тинчлик, ҳамжиҳатлик, осойишталик бор жойда тараққиёт ҳам, барака ҳам бўлаверади.

Шукрулло РЎЗМАТОВ,
Фарнона вилояти ички ишлар бошқармаси бошлиғи, милиция полковниги, вилоят Кенгаши халқ депутати.

• МУСТАҚИЛЛИК. ҚАДРИЯТ. МЕРОС.

МАФКУРА ВА ИСЛОМ ДИНИ

Ислом дини бирон бир давлат, миллат ёки муайян гуруҳларга мансуб бўлмай, унинг ҳаётбахш таълимотлари аввало инсонни энг азиз, энг мукаррам, буюк зот сифатида эъзозлайди, унинг маънавий камолотига, ҳаётий манфаатларига хизмат қилади. Инсонпарварлик руҳи устивор бўлганлигидан, адолат ва ҳақиқат ғояларини ўзида мужассам қилганлигидан ҳам жаҳон динлари ўртасида энг ёш дин бўлишига қарамасдан, унинг таъсир доираси тобора кенгаймоқда. Сўнгги маълумотларга қараганда, ҳозирги вақтда бу динга мансубларнинг сони бир миллиард икки юз миллиондан ортиқдир.

Мустақил Ўзбекистон Республикаси кўп миллатли, дунёвий давлат бўлиб, унда барча динларнинг тенг ҳуқуқлилиги қонун билан кафолатланган. Диёримизда азалдан ислом дини кенг тарқалган бўлиб, шўро тузуми давридаги хилма-хил тазйиқларни бошдан кечиргач, ҳақиқий дин эътиқод эркинлиги сўнггги тўрт йилдан буён, айниқса мустақиллигимиз шарофати билан амалга оширилаётир.

Ҳозирги вақтда матбуотда ҳам, радио ва телевидениеда ҳам мустақиллик мафкураси ҳақида хилма-хил фикр-мулоҳазалар билдирилаётир. Бу албатта ғоятда муҳимдир. Чунончи, ҳар қандай жамиятнинг тараққиёти ва келажаги унинг мафкурасига бевосита боғлиқ. Мустақил Ўзбекистонимизнинг мафкураси, унинг мазмуни ва йўналишлари муҳтарам Президентимиз И. А. Каримовнинг асарлари ва нутқларида атрофлича ифодаланган. Мана шу ғояларга таянган ҳолда мафкурамиз хусусида билдирилаётган салмоқли мулоҳазалар охир-оқибатда аниқ фаолиятимизни белгилайди.

Мустақиллик мафкураси деганимизда, энг аввало кишиларимиз тафаккурида, улар онгида янгича фикрлаш, янгича дунёқараш тушунчаларининг мажмуасини англаймиз. Янгича тафаккурни шакллантиришда ислом дини таълимотлари сарчашмаларидан, умуминсоний қадриятларидан самарали фойдаланиш ғоятда муҳимдир. Бу борада муборак динимизнинг асл моҳиятини тўғри тушуниб, тўғри талқин қилиш катта аҳамият касб этади. Инсоф-диёнатли, ҳалол-покиза, меҳнатсевар, юртпарвар бўлиш, илм-фан ва маърифатга интилиш каби юксак инсоний фазилатлар турмуш тарзимизнинг ажралмас таркибига айланиши, мустақиллигимиз шарофати билан яратилган кенг имкониятлардан фойдаланиб, шўро тузумидан қолган «улкан» мерос—маънавий инқироздан қутулиш жамиятимиз олдида турган энг долзарб вазифалардан биридир.

Мустақиллигимизнинг икки йиллиги муносабати билан серқирра ҳаётимизнинг барча соҳалари каби диний жабҳада ҳам содир бўлган ва бўлаётган ижобий ўзгаришлар, келажакдаги вазифаларимиз хусусида баъзи мулоҳазаларни билдириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Бинобарин, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш борасида диндорлар, диний ташкилотлар олдида ҳам масъулиятли вазифалар турибди. Энг аввало шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, азалдан дин билан давлат ўртасидаги муносабатлар ҳар қандай жамиятда ҳам энг долзарб ва мураккаб масалалардан бири бўлиб келган. Бинобарин бу масала мустақил Ўзбекистонимизда ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Бу масалалар анча баҳсли бўлиб баъзи мулоҳазаларимизни билдиришни лозим, деб ҳисоблаймиз.

Аввало шуни таъкидлаш керакки, динининг ҳомийси, аниқроғи, ҳимоячиси ҳам, унинг бекаму кўст фаолият кўрсатиши ва равнақи учун керакли шароитлар яратиб берадиган тизим ҳам фақат давлатдир. Шундай бўлгач, диннинг, диний ташкилотларнинг имконияти ва қонуний ҳужжатлар доирасидаги потенциал кучларидан давлат, жамият манфаатлари йўлида оқилона ва унумли фойдаланишни ҳаётнинг ўзи тақозо қиляпти. Бу шу жиҳатдан ҳам муҳимки, мустақиллигимиз шарофати билан диндорларга, диний ташкилотларга яратилган катта имкониятлар натижасида уларнинг нуфузи ва фаолияти доираси омма орасида беқиёс ўсди. Шуларни эътиборга олиб, мустақил давлатимиз шароити ва хусусиятларидан, қолаверса, ҳозирги реал воқеликдан келиб чиққан ҳолда, бир қадар эскирган қоидаларга янгича ёндошсак, фойдадан холи бўлмасди, деб ўйлаймиз.

Бу масалада қатор хорижий мамлакатларнинг, айниқса, Туркия жумҳуриятининг ибратли тажрибасига таяниб иш кўриш мақсадга мувофиқ бўлур эди. Энг аввало умумий манфаат нуқтаи назаридан қараб, ҳозирги вақтда ёш, мустақил давлатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли хилма-хил ислоҳотлар жараёнида дин билан давлат ўртасидаги муносабатлар мувозанати тўғри, самимий тусда бўлиши ниҳоятда зарур. Албатта давлатнинг ҳам, диннинг ҳам ўзига хос вазифалари бор ва бу ҳол келажакда ҳам давом этаверади. Уларни бажаришда биз Президентимиз Ислом Каримовнинг «дин ўз йўли билан, давлат ўз йўли билан» деган кўрсатмаларига қатъий амал қилиб бораверамиз.

Бизнинг мақсадимиз нима? Ҳозирги ўтиш давридаги вазиятдан келиб чиққан ҳолда диннинг давлат билан ўзаро чамбарчас ҳамкорлигини таъминлаб, мустақил Ўзбекистонимизни буюк давлатга айлантиришдек ягона олий мақсадни амалга оширишда тўла ҳамжиҳат бўлиб фаолият кўрсатишимиз ҳам қарз, ҳам фарздир.

Айниқса, мустақил давлатимиз мафкурасини яратишда ислом дини таълимотларидан, унинг бой фалсафасидан самарали фойдаланиш ғоятда зарурдир. Бу хусусда Президентимиз ўз нутқ ва маърузаларида бир неча бор таъкидлагандилар.

Фуқароларни юксак ватанпарварлик руҳида тарбиялашда, улар ўртасида ҳалоллик, эзгулик, якдиллик, сабр-қанотли, меҳнатсеварлик, барча элату-миллатлар билан тинч-тотув яшаш, бошқа динларга ҳурмат билан қараш каби юксак инсоний фазилатларни қарор топтиришда ва ривожлантиришда диний ташкилотлар, дин аҳллари фаол иштирок этишлари керак. Айниқса ҳар бир инсоннинг имон-эътиқоди, илм-маърифатли бўлиши, маънавий камолотга эришиши хусусидаги ислом дини таълимотларини омма ўртасида сингдириш ҳозирги давримиз учун ғоятда муҳимдир. Мисол тариқасида айтиш мумкинки, Қуръони Каримнинг саккиз юзга яқин жойида илму-урфон ҳақида фикр юритилади. Ёки бўлмаса, пайғамбаримиз Алайҳиссаломнинг муборак ҳадисларидан бирида «Утлубул илма минал маҳди илал лаҳади» («Бешикдан то қабргача илм талабида бўл» деган кўрсатмалари бу зоти шарифнинг илмли бўлишга нақадар катта эътибор берганликларига ёрқин далилдир.

Динимизга эътибор натижасида энди у оддий бир тоат-ибодат, шариат аҳкомлари-ю — диний расм-русумларни бажаришдан иборат бўлмай, унинг ҳаётбахш нурлари ижтимоий, айниқса, маънавий ҳаётимизга тобора чуқурроқ ва ҳар томонлама сингиб бораётганлиги фақатгина истиқлолимиз туфайли содир бўлаётир. Бу борада биргина мисол. Республикамизда чиқадиган барча рўзномаларни, шу жумладан отахон рўзномамиз «Ўзбекистон овози»ни ҳам яқин вақтларгача «безаб» турган «Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз» деган мантиқсиз қизил шиор ўрнига энди пайғамбаримиз Алайҳиссаломнинг бир олам мазмун-моҳиятига эга «Ҳуббул Ватан минал иймон» («Ватан севмак иймондандур») деган муборак ҳадисларининг келтирилишини 5—6 йил олдин тасаввур қила олармидик?

Сўнгги йилларда, айниқса, мустақиллигимиз шарофати билан тарихимиз, ўтмиш меросимиз, маънавий қадриятларимиз, айниқса динимиз равнақига катта эътибор берилаётганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Мустақиллигимиз кенг қанот ёзаётган ҳозирги дамда олдимизда турган долзарб вазифа мана шу диний эркинликлардан тўғри ва оқилона фойдаланиш, бутун саъй-ҳаракатларимиздан, имкониятларимиздан Ватан, жамият равнақи йўлида фойдалана билишдир. Чунончи, баъзи хорижий мамлакатларда, яқин қўшни жумҳуриятларда бўлаётган воқеалар биз учун ёрқин сабоқдир. Динни сохталаштириш, дин ниқоби остида ғаразли мақсадларга интилиш, сиёсатга аралашиш каби салбий ҳоллар динимизнинг асл моҳиятига ҳам, жамият қонун-қоидаларига ҳам зиддир. Ислом дини биринчи навбатда инсон фаровонлиги, унинг маънавий камолотига хизмат қилади. Жамият тараққиётига, илм-маърифатталарга ҳурмат, кичикларга шафқат, шарқона турмуш тарзимиз ҳақидаги суҳбатларни омма орасида кенг кўламда олиб боришда ҳам уламоларимизнинг ҳиссалари катта бўлмоғи керак.

Диний ишлар қўмитаси республикамиздаги диний ташкилотлар, маҳалла қўмиталари билан ҳамкорликда муҳим бир тадбирни амалга ошириш ниятидадир. Бу ҳам бўлса, тўй-ҳашам ва маъракаларни тартибга солиб, ихчамлаштириш, улардаги ортиқча сарф-харажатларни режага тушириш борасидаги белгиланган тадбирлардир.

Кези келганда масжидларимиз ҳақида ҳам баъзи мулоҳазаларни айтиб ўтсак.

Масжидларда нафақат сиёсий тусдаги масалаларни кўтариш, ҳатто дунёвий ишлару, савдо-сотиққа доир гапларни ҳам гапириш ножоиздир. Республикамиз ҳудудида жойлашган аксарият масжидлар мана шу тарихий вожибларни ҳалол адо этмоқдалар. Шу билан бирга яқин ўтмишда республикамизнинг баъзи вилоятларидаги айрим масжидлардан ғаразли мақсадларда фойдаланиш ҳоллари ҳам юз берди. Виждон ва эътиқод эркинликларини суиистеъмол қилиб, динни сохталаштириш, дин ниқоби остида давлат ва бошқарув идоралари тасаррафидаги ишларга аралашиш, митингбозликлар уюштириш каби салбий ҳолатлар ҳам айнан шу табаррук дарғоҳларда бўлганлигини қандай изоҳлаш мумкин? Афсуски, Моваройннаҳр мусулмонлари идорасининг собиқ раҳбарияти, баъзи вилоятлар бош хатиблари бундай ғайриқонуний ҳаракатларга ўз вақтида барҳам бериш ўрнига, кўп ҳолларда ўзлари ҳам фаол иштирок қилиб, жумҳурият раҳбариятига, ҳукуматига ва қатор давлат органларига турли-туман «талаб»лар жўнатишда фаоллик кўрсатганлар. Қардош Тожикистонда содир бўлган нохуш воқеалар ҳам айнан шу митингбозликлар ва қонунбузарликлардан бошланганини ҳеч қачон унутмаслигимиз керак.

Масжидга келган ҳар бир номозхон соф диний, шариатга доир масалалардан бошқа ҳозирги маърифий, одоб-ахлоқ юзасидан фойдали маълумотлар ҳам олиши керак.

Жума номозлари, Ҳайит номозларида ўқиладиган ваъзлар рангбаранг ва чуқур илмий асосга эга бўлмоғи керак. Уларда ҳақиқий исломий маърифат асослари, зиё нурлари ўз аксини топиши зарур. Ҳозирги даврнинг ҳам, мустақил Ватанимизнинг талаби ҳам шуни тақозо қилади!

Шу ўринда имом-хатибларимиз, диний арбобларимиз диққатини бир нарсага жалб қилмоқчийдим. Бу ҳам бўлса, улар ўз ваъзлари-ю-маърузаларида диний билимлар билан бирга, дунёвий илмлар, турли касб ва ҳунарларни эгаллашга ҳам алоҳида эътибор беришлари зарурлигидир. Яқинда 675 йиллик табаррук тўйлари нишонланадиган буюк алломамиз Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратларининг «дил ба ёру, даст ба кор» («дилинг Оллоҳнинг зикрида-ю, қўлинг меҳнатда бўлсин») деган машҳур шиори ҳозирги давр учун ҳам катта аҳамиятга эгадир. Диний ишлар қўмитаси Моваройннаҳр мусулмонлари идораси билан ҳамкорликда бу хусусда қатор хайрли тадбирларни белгилаган. Иншоолоҳ, яқин келажакда бу солиҳ ишларимиз сезиларли самарасини беради, деган умиддамиз.

Мавриди келганда анча вақтдан буён кўнглимга тугиб юрган бир фикрни таъкидламоқчиман. Ибратли тарихимиз, бой ва хилма-хил маданий меросимиз, буюк кашфиётлари ва ўлмас асарлари билан жаҳон илм-фани ва маданияти тараққиётига улкан ҳисса қўшган алломаларимизнинг кўплиги жиҳатидан ҳозир Ўзбекистон, шубҳасиз, энг илғор, олдинги ўринлардан бирини эгаллайди. Бу фикримизни ҳар қандай мезон билан ҳисоблаб, ҳар қандай замонавий компьютерга солиб ҳам текшириш мумкин. Лекин, ўз навбатида мана шу буюк маънавий бойликларни ўрганиш, уларни эъзозлаб қадрига етиш борасида, минг афсуслар бўлсинки, охирги ўринлардан бирини эгаллаймиз, десак хато бўлмас. Худога минг марта шукрки, мустақиллигимиз шарофати, муҳтарам Президентимиз нинг жасорати туфайли бу борада қисқа муддат ичида тарихий ишлар амалга оширилаётгани таҳсинга сазовордир. Бобокалонимиз соҳибқирон Амир Темурга муносабатнинг кескин ўзгаргани, у буюк зотга пойтахтимиз Тошкентнинг қоқ ўртасида улуғвор ёдгорлик ўрнатилиши ушбу фикримизнинг ёрқин далилидир.

Мустақил Ўзбекистонимизнинг порлоқ келажаги йўлида олиб борилаётган ички ва ташқи сиёсатни дин аҳллари ҳам қўллаб-қувватлаб, истиқлолимизни мустаҳкамлашда, айниқса жамиятимизни маънавий инқироздан олиб чиқишда бутун куч ва имкониятларини аямайдилар, деб комил ишонч билан айтиш мумкин.

Убайдулла УВАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Диний ишлар қўмитаси раисининг биринчи муовини.

КЎРГАЗМА ЗАЛЛАРИДА

КЎЗГУДА— ЎЗБЕКИСТОН

Суратқаш. Бу ҳам бир касб. Очиғи, ҳаммамиз ҳам суратга олганмиз ва тушганмиз. Ўзи шунақа бўлади. Кейинчалик баъзилар уни касб қилади, бошқалари эса ҳаваскорлигича қолишади.

Республика Санъатшунослик илмий-тадқиқот институтида ҳаваскор суратчиларнинг «Кўзгуда—Ўзбекистон» деб номланган кўргазмасини кўрганда киши шундай ҳаёлга боради. Кўргазма Ўзбекистон мустақиллигининг икки йиллигига уюштирилган бўлиб, уни Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар республика маркази ташкил этган. Унда жумҳуриятимиз вилоятларидаги ҳаваскор сураткашлар ўзларининг сара асарлари билан қатнашган. Янгиерлик В. Ермаковнинг «Жимжитлик», «Суҳбат», тошкентлик А. Сафарматов ва А. Ирисовнинг «Иссиқ нон», «Болаликнинг кўзлари», наманганлик Қ. Мирзаевнинг «Улоқ», бухоролик А. Асадовнинг «Гумбаз», «Бухоро» суратлари томошабинларда яхши таассурот қолдирди.

Равшан ШОДИЕВ.



Ғозғон деганда кўз ўнгимизга албатта бу ерда ишлаб чиқариладиган камалак рангида товланувчи мармарлар келади. Зеро, Ғозғондаги мармар корхонаси маҳсулотлари жаҳондаги турли мамлакатларнинг маъмурий биноларини безаб турибди. Ҳатто собиқ Иттифоқ пойтахти — Москвадаги маъмурий биноларни ҳам Ғозғон мармари безаган.

Бугунги кунда мустақил Ўзбекистонимиздаги энг салобатли бинолар Ғозғон мармари билан безатилмоқда. Бу маҳсулотнинг шунчалик довруқ таратишида моҳир ҳайкалтарош Эркин Абдуллаевнинг ҳам ўзига хос ҳиссаси бор. У корхона жамоаси билан ҳамкорликда меҳнат қилиб, элга манзур асарлар яратмоқда. У яратган асарлар кўпгина кўргазмаларда намойиш этилиб, кўрикларда ғолиб чиққан.

Суратда: Ғозғон мармар корхонаси раҳбари Абдураҳим Ҳусанов (чапда) ва ҳайкалтарош Эркин Абдуллаев.

Н. АЛМУРОДОВ олган сурат.

ЛИЦЕЙ ОЧИЛДИ

Жиззах шаҳрида биринчи турк-ўзбек лицейи очилиши катта тантанага айланди. Республика раҳбариятининг ёш авлодга ғамхўрлигининг ифодаси ҳамда Ўзбекистон ва Туркия халқларининг тобора мустаҳкамланиб бораётган дўстлиги рамзи бўлмиш ушбу маросимда вилоят ҳоким А. Х. Тошкентбоев нутқ сўзлади.

Бу йил чўлқуварларнинг юз нафар фарзандини тест натижалари асосида қабул қилиб олган билим даргоҳи қисқа муддатда фойдаланишга топширилди.

Бахтиёр РИЗАЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Мамлакатимиз халқи Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг икки йиллигини байрам қилаётган кунларда таҳририятимизга жойлардан кўплаб хушхабарлар келди. Жанубий вилоятларда кўпдан бери кутилган воқеа — пахта терими бошланди.

«ОҚ ОЛТИН» КАРВОНИ ЙЎЛГА ЧИҚДИ!

Айниқса Сурхондарё вилоятида бу иш авжига чиқмоқда. Чунончи куни кеча Жарқўрғон тумани пахтакорлари вилоятда биринчи бўлиб «оқ олтин» карвони ташкил этишди. Тўхта Шобуров номли, Норали Боймуродов номли, Алишер Навоий номли ва «Оқтепа жамоа хўжаликлари шу куни қабул пунктига 8—10 тоннадан пахта топширишди.

Қашқадарё, Бухоро вилоятларидаги илғор хўжаликларда эса пахтани танлаб теришга киришилди.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, бу йил мўл ҳосил етиштириш аввалги йилларга нисбатан анча қийин кечди. Кўкламда юз берган табиий қийинчиликлар туфайли чигит экилган майдонлар бир неча марта бузиб экилди. Лекин деҳқонларимизнинг тадбиркорлиги, фидокорлиги туфайли далаларда мўл ҳосил етиштирилаётир.

Айни пайтда Ўзбекистон деҳқонлари пахта ҳосилини йиғиб-териб олиш, келгуси йил ҳосили учун замин яратиш мақсадида уруғлик пахтани йиғиштирмоқдалар.

Асосий мавсум ҳам бошланди. Бу йил 4 миллиондан ортиқ «оқ олтин» йиғиб-териб олиниши лозим.

Далаларда мўл ҳосил етилмоқда. Ҳозир жойларда ҳосил учун курашнинг ҳал қилувчи босқичига қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Йиғим-терим мавсумида бир қанча вазирликлар ва идораларнинг ташкилотлари ҳамда бўлинмалари иштирок этади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ, уларга аниқ вазифалар белгилаб берилган. Қарорда бу йилги пахта ҳосилини йиғиб-териб олишга тайёргарликни тугаллаш ва теримни уюшқоқлик билан ўтказишга қаратилган тадбирларни деҳқонлар, барча дала меҳнаткашлари амалий кўрсатма, деб кутиб оладилар, деб ўйлаймиз.

Қарорга биноан механизаторларга икки қаторлик машинада терилган бир тонна пахта учун камида 800 сўм, тўрт қаторлик машинада терилган бир тонна пахта учун камида 700 сўм тўланади. Қўлда терилган ҳар бир килограмм пахта учун эса камида 25 сўмдан ҳақ белгиланиши қувончли ҳол, албатта.

Пахтакорлар терилган пахта учун кўпроқ ҳақ тўланишидан, янги харид нархларидан мамнун бўлишмоқда. Бу моддий рағбатлантириш чоралари, барча ташкилий муаммоларнинг муваффақиятли ҳал этилиши «оқ олтин» ҳосилини нобуд қилмай йиғиб-териб олишда пахтакорларга катта мадад бўлади. Хуллас, деҳқоннинг кузини берсин, дейлмиз!

ОДАМЛАР ТАШВИШИДА

⊙ Қоракўл районидаги Эгамберди Раҳимбердиев номли жамоа хўжалигининг минг хонадонига табиий газ уланди. Жамоа хўжалигида мустақилликнинг икки йиллиги байрами арафасида 8 та қишлоқ аҳли табиий газдан баҳраманд бўлди.

Кейинги икки йил мобайнида хўжаликда умумий узунлиги 25 км. бўлган ерларга асфальт ётқизилди, 3 та мактаб, болалар боғчаси, ҳаммом қурилиши поёнига етмоқда.

«Ўзбекистон овози» мухбири.

ИШ ЖОЙЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА

Республикамизнинг бозор иқтисодиётига ўтиши туфайли жабҳаларда баъзи иқтисодий тақчилликлар юзага кела бошлади. Бу ҳолдан қутилишнинг бирдан-бир йўли янгича ишлаб чиқариш муносабатларини кенгайтириш, кичик ва қўшма корхоналар очиш, аҳоли истеъмоли учун зарур бўлган молларни кўпайтира бориб, уларнинг сифатини яхшилашдан иборат

Шунга амал қилган Асака районидаги Ниёзботир матлубот жамияти меҳнат жамоаси кичик корхоналар очиб, ишчиларни қўшимча иш жойлари билан таъминлашга алоҳида аҳамият бермоқда. Мисол тариқасида райондаги «Наврўз» жамоа хўжалиги худудида янги тикувчилик цехи очилганлигини келтириш мумкин. Цехда 50 нафар хотин-қиз фаолият кўрсатаяпти. Улар тикувчи, Ўзбекистон ХДП аъзоси Саломатхон Холматова раҳбарлигида чойшаб, кўрпа жилди, болалар учун тайёр кийимбошлар комплекти каби аҳоли эҳтиёжи учун зарур бўлган моллар ишлаб чиқармоқдалар.

Шунингдек, бу ерда тўқувчилик бўлими ҳам ташкил қилинган. Жемпер, свитер сингари қишки уст-бошлар тайёрланмоқда. Бу цехга 15 та тикувчилик машиналари ва 15 та тўқувчилик анжомлари сотиб олинди. Қоратепа қишлоғидаги икки қаватли бинонинг юқориги қавати қайта мослаштирилди. Янгидан келтирилган тикувчилик, тўқувчилик асбоб-ускуналари билан жиҳозланди.

Натижада шу ҳудудда ишсиз юрган хотин-қизлардан кўпчилиги ишга жалб этилди. Эндиликда цех жамоаси кучи билан ойига 1 миллион сўмликдан зиёд турли кийим-кечаклар ишлаб чиқарилаяпти.

Маъмуржон ЖОНУЗОҚОВ.
Андижон вилояти.

ҳалқлар Воқеалар ҳабарлар

ХАЛҚАРО КЎЗГУ

УЧИНЧИ ПРЕЗИДЕНТ САЙЛАНАДИ

● 3 октябрь куни Озарбайжонда навбатдан ташқари сайлов бўлиб ўтади. Унда республиканинг учинчи Президенти сайланади. Озарбайжон миллий мажлиси ўтган чоршанба куни ана шунга қарор қилди.

Парламент аъзолари Озарбайжон Конституциясига ва республика Президентини сайлаш ҳақидаги қонунга тузатиш ҳамда қўшимчалар киритишни лозим топдилар. Бундан буён республиканинг 35 ёшга етган, қобилиятли ҳар бир фуқароси бу юксак лавозимга сайланиши мумкин. Президентнинг 65 дан юқори ёшда бўлмаслиги ҳақидаги чеклаш ҳам бекор қилинди.

«ФАРМОН ҲАЛИ КУЧГА ЭГА ЭМАС»

● А. Руцкой Москвада журналистлар билан суҳбат чоғида Россия Президенти Борис Ельциннинг вице-президентни вақтинча вазифасидан четлатиш ҳақидаги фармони ҳеч қандай кучга эга эмас, деди.

Унинг фикрича, бу ҳужжатга конституциявий суд ва Олий Кенгаш баҳо бериши керак.

ПОКИСТОНДА САЙЛОВОЛДИ КУРАШЛАРИ

● Покистонда 6 октябрда бўлиб ўтадиган парламент сайловларида миллий ассамблеядаги 237 ўринга 2 мингдан знёд киши даъвогарлик қилмоқда. Конституцияга мувофиқ бу ўринларнинг 20 таси аёллар учун ажратилган.

Айни пайтда сайловолди курашлари, асосан, Беназир Бхутто ва собиқ Бош вазир Навоз Шариф тарафдорлари ўртасида бормоқда. Сайловларнинг тинч ўтиши учун 150 минг ҳарбий хизматчи жалб этилишига қарамай, сайловолди курашлари қонли тўқнашувлар даражасига етаётир. РАТА-ТАСС мухбирининг хабар беришича, Б. Бхутто ва Н. Шариф тарафдорлари ўртасида яқинда рўй берган қуролли тўқнашув пайтида 8 нафардан 20 нафаргача киши ҳалок бўлган.

З. ГАМСАХУРДИАНИНГ МУРОЖААТИ

● Ҳозирги пайтда Чечен Республикасининг Грозний шаҳрида турган Грузиянинг собиқ Президенти Звиад Гамсахурдиа ўз тарафдорларини Поти шаҳрини ва бутун Ғарбий Грузия минтақасини қамал қилишга чақирди. Шунингдек, у «ҳозирги ҳукумат билан» ҳеч қандай мулоқотга киришмасликка даъват этди.

Собиқ Президент тарафдорлари ҳарбий кучларни жанговар ҳолатга келтириш ва жанговар операцияларни бошлаш ҳақидаги буйруқни кутиш борасида ҳам кўрсатма олдилар.

ВАЗИРЛАРНИНГ ФИКРИ

● Европа шимолидаги давлатларнинг ташқи ишлар вазирлари яқинда Готланд оролида учрашдилар. Учрашув ҳужжатида аввал имзоланган битимга мувофиқ Россия ўз қўшинларини белгиланган муддатда Литвадан олиб чиққанлигидан қониқиш ҳосил қилингани алоҳида таъкидланади.

Икки давлат ўртасида имзоланган битим шартларининг сўзсиз бажарилиши бундан кейин бошқа муҳим масалаларнинг ҳал этилишига йўл очиб беради, дейилади мазкур ҳужжатда.

Иштирокчилар бошқа давлатлардаги вазият ҳақида ҳам батафсил тўхталиб, Эстония ва Латвиядаги Россия ҳарбий қисмларини олиб чиқиш масаласи ўзаро келишув асосида тезроқ ҳал этилиши зарур, деган фикрни билдирдилар.

НАРХ ЎЗГАРМАЙДИ

● Ўтган куни Киев шаҳар маъмурлари матбуот ходимлари билан учрашдилар. Бунга шаҳар аҳолиси орасида тарқалган озиқ-овқат маҳсулотлари баҳосининг кескин ошиши ҳақидаги миш-миш сабаб бўлди. Харидорлар уч кун давомида эртадан кечгача дўконма-дўкон изғиб, иложи борича кўпроқ егулик ғамлаш ташвишига тушган эдилар.

Шаҳар маъмурияти матбуот конференциясида нарх-наво ҳақидаги миш-мишлар асоссизлигини, айни пайтда пойтахт аҳолиси учун келгуси йилнинг иккинчи чорагигача етадиган нон, сарёғ, қуруқ сут ғамлаб қўйилгани, бундан ташқари картошка ва бошқа мева-сабзавотлар ҳам етарли миқдорда тайёрланаётгани ҳақида маълумот бердилар.

Истеъмол бозори бўйича шаҳар бошқармаси раисининг ўринбосари Иван Дворникнинг ахборот беришича, киевликлар шу кунгача бир кунда ўртача 600—650 тонна нон истеъмол қилган бўлишса, ташвишли уч кун ичида эса бу кўрсаткич 900—950 тоннага етган.

Шаҳар маъмурлари вазиятни юмшатиш учун шошилинч чора кўрдилар. Нон заводлари кеча-кундуз узлуксиз ишлаб турди.

Матбуот конференциясида, шунингдек, октябрь ойида ҳам қанд эски нархларда сотилиши, қўшимча равишда жанубий вилоятлардан, шахсий тармоқлардан саримсоқ, сабзавот маҳсулотлари сотиб олинаётганлиги маълум қилинди.

ОДЕССАЛИКЛАР БАЛИҚ ЎРНИГА БАНАН ЕМОҚДАЛАР

⊙ Ҳозирги пайтда Одессада балиқдан кўра банан сотиб олиш осонроқ.

Чунки Украинанинг балиқ овловчи кемалари кўпинча нефть маҳсулотлари етишмаётганлиги туфайли ҳаракатсиз туриб қолмоқда. Бунинг устига балиқчилар кўпинча иш ташламоқдалар. Масалан, мана икки ойдирки, «Советская Украина» балиқчилик базасининг экипажи ўтказаётган иш ташлаш ҳамон давом этмоқда. Улар ўз Ватанида эмас, Мисрдаги Александрия портида туришибди. Балиқчилар ушбу портга музлаган балиқ келтириб, билишдики, иш ҳақи учун валюта ололмайдилар. Шу боис балиқчилар шарт қўйишди: гўё иш ҳақига валюта олишса, ўз юртларига қайтишармиш.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва рўзномаларидан олинди).

ҳалқлар Воқеалар ҳабарлар

Олим бўлсанг, олам сеники

«Менинг битта ҳаётим бор, борди-ю мингта ҳаётга эга бўлган тақдиримда ҳам, ҳаммасини Ватан учун сарфлаган бўлардим».

ФУЗУЛИЙ.

МОЗИЙ БИЛАН СИРЛАШГАН

ЭШИГИГА «Ўзбекистон Фанлар академиясининг тарих институти» деб ёзиб қўйилган бино хоналаридан бирида сочларини қиров босган, кўзлари маъноли ва ўйчан олим ўтирибди. Ёнидаги елим сават мижиғланган қоғозлар билан тўла. Қўлидаги қалам бир сония оқ қоғоз узра йўрғалайди-ю, яна ўша тезликда тўхтаб қолади. Қуюлиб келган фикрлардан қоғоз қора тортади-да... саватга равона бўлади. Яна бутун вужуди билан хаёл оғушига шўнғийди. Фикрлари дарёдай жўшиб, шалоладай ўйнаб келади. Қоғозга туширади-ю яна нимасидир ёқмай иккига бўлинади. Тўғри, авлод-аждодларимиз, мамлакатимиз тарихига оид ёзилган юзлаб мақола, тақризлар, рисола ва китобларнинг аксарияти деярли шу тахлитда нашрга тайёрланган. Лекин бу галгиси ҳаммасидан ўтиб тушди. Бунинг жиддий сабаблари бор эди. Куни кеча Ўзбекистон Компартияси Марказқўми биринчи котиби академик Яҳё Ғуломовни ва уни — Ҳамид Зиёевни ҳузурига чақиртириб, сиёсий масалани ўртага қўйганди.

— Жаҳонгир Амир Темур ҳақида рисола чоп этилганидан ва унинг муаллифи Иброҳим Мўминович тазйиқларга учраётганидан хабарингиз бор, — деди Биринчи меҳмонларга бир пиёладан чой узата туриб, — айниқса, Москва турли тушунтиришларни талаб этмоқда. Улар билан ғоявий курашга журъатингиз етармикан?... Ҳамид Зиёевич, ахир, сиз билан биз уруш кўрган одамлармиз...

Шунда бир неча ой олдин бўлиб ўтган воқеа унинг ёдига тушди. Устози — Иброҳим Мўминов йўқлаган экан, тезда етиб борди.

— Бир масалада маслаҳатингиз керак бўлиб қолди, — деди академик, — мабодо Амир Темур ҳақида бирон бир жиддий ишга қўл уриладиган бўлса, соҳибқиронинг қайси жиҳатларига асосий урғу бериш тўғри бўларкин?

Аввалига у ажабланди, чунки Амир Темур ҳақида наинки рисола ёзиш, ҳатто у тўғрисида оддий гапни айтиш ҳам қандай оқибатларга олиб келишини яхши идрок этарди. Бунга қайси мард журъат қилдийкин? Бу тўғрида устоздан сўраш истиҳолали эди. Қолаверса асосий саволга жавоб бериш керак.

— Менимча, жаҳонгирнинг Ўрта Осиёдаги тутган мавқеига баҳо бериш билан чекланган маъқул. Ташқи дунё билан муносабатларини кўрсатиш давр нуқтаи назаридан фалокатли оқибатларни келтириб чиқариши мумкин.

— Фикримиз бир жойдан чиқди, — деди академик ёш боладай қувончини яширолмай.

Демак, деб ўйларди олим, бу ғоя аввалам бор Шароф Рашидовдан чиққан экан-да. Айни пайтда рўпарасида жавоб кутиб турган Биринчини илҳақ қилиш ҳам одобдан эмасди.

— Урушдан омон қолдик, қолган умримизни шундай хайрли ишларга сарфламасак, унда нима деган одам бўламиз.

— Миннатдорман...

Ҳозир, ана шу рисоланинг аҳамияти тўғрисида ёзишга тутинган бир пайтда мақоланинг ҳар бир сатри ва ҳатто сўзнинг қанчалик нишонга тўғри бориб тегиши хусусида чуқур мушоҳада юритмаслик мумкин эмасди. Ў буюк бобоси ҳақидаги юзлаб маълумотларни яна фикр элагидан ўтказди. Шундан кейингина ўткир ва ўжар қалами унинг изига бўйсунди.

Фанимиз заҳматкаши, профессор Ҳамид аканинг уйида бўлганимизда у жисмоний тарбия билан машғул экан. Падари изидан бораётган ўғли, фан номзоди. Азамат Зиёев бизни отасининг ижодхонасига бошлаб кирди. Жавонлар илмий-сиёсий, иқтисодий ва бадиий китоблар билан тўлиб кетганди. Ҳатто улар сонини дастурхон тузашга уннаётган ўй бекаси Саодатхон Худойбердиева ҳам аниқ айтиб бера олмади. Лекин бир-иккита саволимизга бажонидил жавоб қайтарди.

— Домла ҳар куни икки соатча вақтларини жисмоний тарбияга сарфлайдилар. Совуқ душ оладилар. 70 ёшга кирган бўлсалар ҳам соғлиқларидан нолимасликлари сабаби шундан, деб ўйлайман. Кейин кечгача ижодхоналаридан чиқмайдилар. Назаримда меҳнатдан ҳузур қилиб, ҳаловат оладилар.

Чой устида домлани ўзи ҳақида гапиртириш осон бўлмади. Суҳбат мавзуи аждодларимиз тарихига, маънавият ва истиқлолимизга, бебаҳо мерос ва давлатимиз, халқимиз, фанимиз келажагига, мамлакатимиз раҳбарларининг юз ўйлаб бир тўхтамга келаётган сиёсатига бориб тақалаверди.

— Ўнинчи асрда Турони замин ҳозирги тил билан айтганда ўз дорилфунунига, ўн биринчи асрда эса Фанлар академиясига эга эди,— деди у куюнчаклик билан, — аллома олимларимизни жаҳонга кўз-кўз қилганимизга минг йил бўлди. Нега шундай? Чунки биз ўшанда озод эдик. Чоризм ва Совет даврида тафаккур гулшанимизга ўт кетди. Олимларимиз қувилди, сурилди, камситилди. Мана энди, Оллоҳга шукр, яна озодмиз. Энди отни тезроқ қамчилаш керак. Миллий озодлик ҳаракатини ўрганишни жадаллаштириш лозим. Маданий меросимизни ҳаққоний кўрсатувчи тарихий асарларга халқимиз интиқ.

Ҳамид ака билан хайрлашар эканмиз, унинг ниғоҳида яна алламаҳалгача ишлаш иштиёқи сезилиб турарди. Шунда Анбар отиннинг:

Одамда бўлса гар яхши тилак,
Халқ учун тебратгуси доим билак

деган мисралари ёдга тушиб кетди.

Абдунаби МАННОПОВ.

Докторлик илмий даражасини ёқлашгача бўлган жараён ҳам бир умр ёдидан чиқмаса керак. Бунинг учун ўн йил вақт керак бўлди. Москва, Санк-Петербург, Нижний Новгород, Астрахань Тюмень, Свердловск, Уфа, Қозон каби жами 16 шаҳар архивларида ойлаб қолиб кетишга, игна билан қудуқ қазишга тўғри келди. Ўзбек олимлари ичида Сибирь архиви эшикларини биринчи очган ҳам Ҳамид Зиёев бўлди. Архив материаллари эски рус алфавитида ёзилгани сабабли Петр 1 гача амал қилган ёзувни ўрганди. «Ўрта Осиё ва Сибирь» мавзуи бўйича докторлик илмий ишига асос бўлган бу ноёб ҳужжатлар тўрт асрлик тарихни ўз ичига олиши билан ҳам нодир саналарди. Бу — XVI XIX аср бошларида Ўрта Осиёнинг Сибирь, Волга ва Урал бўйлари орқали Россия билан дипломатик ҳамда иқтисодий алоқаларидан халқни баҳраманд этиш, Сибирь ўзбеклари тарихини яратиш, деган гап эди.

МАЪЛУМКИ, ўзбек хонликлари даврида Сибирь Туркистоннинг таркибий қисми ҳисобланарди. Ишбилармонларимиз у ерга тайёр маҳсулотлар олиб бориб савдо-сотиқни йўлга қўйишди. Буғдой экиб, деҳқончиликка асос солишди. Дин ва маданият олиб боришди. Кўплаб мактаблар, масжид ва мадрасалар қуришди. Ерлик аҳолини гилам тўқиш, кўнчиликка ўргатишди. Шу тариқа туркистонликлар Россияни Ўрта Осиё, Хитой ва бошқа мамлакатлар билан турли соҳаларда алоқа боғлашига шарт-шароит яратиб бердилар. Кейинчалик бу ҳудудлар чор Россияси қўлига ўтгач, юртдошларимиз кучидан Сибирни ўзлаштиришда фойдаланилди.

Ана шунга ўхшаш — ҳали ҳатто илмий жамоатчиликка номаълум янгиликларни очиш Ҳамид ака Зиёевнинг зиммасига тушган эди. Иқтидорли олим меҳнат фаолиятининг қанчалик серқирра эканлигини унинг Ўрта Осиё, Шарқий Туркистон ва Россия тарихига бағишланган кўплаб илмий асарларидан ҳам билса бўлади. Ўзбекистон ФА тарих институтида ишлаган салкам ярим асрлик даврини у ўзи учун муқаддас мавзу деб ҳисоблаган Туркистон халқларининг озодлик, мустақиллик йўлидаги курашларини одилона кўрсатишга бағишлади. Ҳатто Совет империяси даврида Россиянинг босқинчилик урушлари, мустамлакачилик сиёсатини хаспўшлаш ёки ниқоблаш одат тусига кирган пайтларда — «Чор истилоси», «Ўзбек хонликларининг чоризм томонидан босиб олиниши» каби қатор илмий ишлари билан тарихга аниқлик киритишга журъат этади. «1916 йилги қўзғолон қатнашчилари», «Туркистонда озодлик ҳаракатлари тарихи» рисолалари ана шу журъат ва ироданинг давомийлигидан дарак берарди.

— Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Ҳамид Зиёев Амир Темур, Акмал Икромов, Файзулла Хўжаев, Нуриддин Муҳиддинов, Шароф Рашидов сингари Ватанимизнинг ардоқли фарзандлари фаолиятини тўғри ёритишга ўз улушини қўшган олимдир, — дейди Ўзбекистон ФА мухбир аъзоси Бўрибой Аҳмедов.

— Йигирма йилдан ортиқроқ вақт ичида домла тарих институти директори ўринбосари лавозимида ишлаб, юқори малакали илмий мутахассислар тайёрлашда куч-қувватини аямади, — қўшимча қилади тарих фанлари доктори Ўткир Исломов. — Бинобарин, унинг раҳбарлиги остида 30 нафар киши илмий даражали бўлгани фикримиз далилидир. Устознинг изланишлари маҳсули бўлган 400 дан зиёд илмий иш жамоатчиликка маълум. 50 дан ортиқ китоб, рисолага масъул муҳаррирлик қилди ёки таҳрир ҳайъати аъзоси сифатида уларни нашрга тайёрлашда қатнашди.

Ҳайдар НОСИРОВ.

● ОСОРИ АТИҚАЛАР — БЕБАҲО МУЛКИМИЗ

Қадим-қадимлардан Бухорои шариф Рум мамлакатидан Чин-Мочин юртигача минглаб чақиримга чўзилган Буюк ипак йўлининг чорраҳаларидан бири бўлган. Узоқ юртлардан дашту саҳроларни босиб келган сон-саноқсиз карвонлар қадимий шаҳарнинг қоқ марказидаги растани улкан тақа шаклида ўраб олган саройларга қўниб, эртасига савдогарлар бозорга ошиқишган. Субҳидамдан қош қорайгунча бу ерда савдосотиқ қайнаб турган.

ҚАЙТАДАН ТУҒИЛГАН РАСТА

Шўролар даврида ҳаётнинг бу зайли ағдар-тўнтар қилиб ташланди. Карвонсаройлар ер билан яксон қилинди. Қадимий бозор ҳаловатини эл хотирасидан ўчириш учун ҳамма иш қилинди.

Мустақиллик туфайли шаҳар маъмурлари қадимий растани қайта тиклашга бел боғлашди. Икки йилдан буён юзлаб моҳир таъмирловчилар, бинокорлар унинг қадимий қиёфасини тиклаш учун меҳнат қилишди. Асли касби бинокор эмасми, барча ишларга шаҳар ҳокими Убайдулло Носир шахсан бошчилик қилди.

Ёш меъмор Туйғун Бобоев лойиҳаси асосида нуқул пишиқ ғишт ва ёғоч ишлатиб барпо қилинган гумбазлар ва айвонлар остида тўрт минг квадрат метр майдонни эгаллаган улкан бозор яратилди.

Қайтадан туғилган раста минораи Калон, Масжиди Калон сингари буюк обидалар соясида уларнинг ўзига хос мантиқий давоми бўлиб атроф-муҳитга уйғунлашиб кетган.

— Мустақиллигимизнинг икки йиллиги байрами тонгида қадимий растани тантанали очдик, — дейди биз билан суҳбатда шаҳар ҳокими. — Раста яна минг йиллар халқимизга хизмат қилсин. Бухорои шариф шуҳратини оламга таратсин.

Ҳоким раста қурилишида фаоллик кўрсатган «Фарҳод», «Тоҳир», «Бухоро гилкори», «Усто», «Кошинкор», «Мақтоб», «Гулистон» сингари ўнлаб кичик корхоналар ва фирмалар номини миннатдорлик туйғулари билан тилга олади.

Дарҳақиқат, мана шундай тадбиркор ва ишбилармонлар саъй-ҳаракати бўлмаганида ниҳоятда кенг кўламдаги бу ишни байрамгача уддалаш амри маҳол эди.

Ҳа, Бухородаги қадимий раста мустақиллик туфайли қайта туғилди. Яқин кунлар ичида унинг пештахталари яна гавжум бўлади. Бозор олдингидек қайнаб тошади.

Нусратилла НАИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• Сиз севган санъаткор

«ОДАМЛАРНИ ЯХШИ КЎРАМАН»

Менга баъзан ҳамма нарса мўъжиза яратишга қодирдай кўринади. Айниқса, қўшиқ...

Дарвоқе, қўшиқ ўзи нима?

Умидми?

Тасаллими?

Ё...

Фарғона давлат филармониясига қарашли «Таманно» ашула ва рақс ансамблининг бадиий раҳбари, лирик хонанда Убайдулло Алиев билан суҳбатимиз ҳам қўшиқ ҳақидаги мулоҳазалар билан бошланди,

— Убайдулло, Сиз қўшиққа яқин кишисиз. Бугун бозор иқтисодиётига ўтиш йўлидамиз. Шу жиҳатдан қарасак, қўшиқ танлаётганингизда нимани мезон қиласиз? Тўйбоп оҳанглар, сўзларними, ё...

— Тўғриси, мен тўйғуларнинг тарозига бундай қўйилишини ҳазм қилолмайман. Қўшиқ танлаётганимда аввало ўзимнинг руҳий эҳтиёжимни мезон қиламан. Ҳаётда баъзан андиша, муросага бориб, тинчлик, хотиржамликни ўйлаб ўзим хоҳламаган сўзни айтишим мумкиндир, аммо қўшиқни бундай қилолмайман. Севгилимдай севмагунча айта олмайман.

— Фикрингизга жон-жон деб қўшиламану, лекин қашшоқлик ҳам ёқимли бўлмаса керак. Ҳаётда ўз иқтидорига яраша тўкис яшаш санъаткорнинг руҳини кўтаради, деб ўйлайман.

— Албатта, бир шиша пахта ёғи учун узоқ навбатда туриб уйига қайтган санъаткор бирданига гўзал бир асар ярата олмайди. Руҳий синиқлик уни майдалайди. Лекин яна бир ҳақиқат борки, Қутлибека опа, санъат одамни хор қилиб ҳам қўймайди.

— Убайдулло, мен Сизнинг ижроларингизни кўпдан кузатиб келяпман. «Тушимга кир», «Таманно қил» каби қўшиқларингиз сизга кўплаб мухлисларни етаклаб келди. Куйлаётганингизда гўё ёмғирлар, гулларга ашула айтаётгандай тутасиз ўзингизни. Яна сиз ижрочиликнинг Фарғона мактабига жуда содиқсиз. Бунинг бирор сабаби борми?

— Биласизми, сохталикни жуда ёмон кўраман. Айниқса, қўшиқда жуда табиий кўрингим келади. Ўзим Фарғона қўшиқлари ичида ўсганман. Дадам Маматвали Алиев Фарғона вилоят театрининг етакчи актёрларидан эдилар. Онам Ҳафиза Иброҳимова ҳам. Улар айтган қўшиқлар етмиш икки томиримга сингиб кетганга ўхшайди. Ишонасизми, баъзан ўзим эмас, ўша овозлар ичимдан эшитилаётганга ўхшайди, ғалати бўлиб кетаман. Яна қўшиқни замон макондан узиб бўлмайди. Фарғона қўшиқлари — бу бутунлигича Фарғона. Сиз хоразмликлар ижросига эътибор берганмисиз? Фақат хоразмча ашулаларни айтаётганда ўзларини тўла эркин сезишади. Инсон ўз юрти қўшиқлари ичида шу юртда юргандай, таниш-билишлари орасидагидай ўзини хотиржам ҳис этади, ортиқча ҳаяжонланмайди. Мен ҳам Фарғона мактабига содиқлигимни шундай изоҳлайман.

— Тўйларга муносабатингиз қандай?

— Менинг онам умуман тўйларга юрмасдилар. Дадам эса ўн ёшларимдан бошлаб мени ўзлари билан тўйларга олиб борганлар. Одамларни жуда яхши кўраман. Тўйларни ҳам, Чунки мен у ерда эшитувчиларим билан юзма-юз келаман. Улар билан дийдорлашувга ҳеч қачон беписанд қараган эмасман. Бунга ҳаққим ҳам йўқ.

— Лирик қўшиқ эшитиш учун ҳам озгина тайёргарлик керак.

— Ҳар қўшиқнинг ўз мухлислари бор.

— Борди-ю, илҳом билан «Фасли навбаҳор ўлди»ни айтаётганингизда «Тўйболадан олинг» деб ер тепишса...

— Майлида, ишқилиб, қўшиқ сўрашади-ку. Мен ашула одамларни бир зум ер ташвишларидан узса, кўнгилларига ёруғ излар солса дейман.

— Убайдулла, менинг назаримда, Сиз ҳаётда фақат яхши одамларга ёндош яшагандайсиз...

— Тўғри пайқабсиз, олдин дадам, аям, уларнинг санъатдан юксак қувончи бўлмаган дўстлари... Армияда ҳам бахтим чопиб Икромжон Бўронов назарига тушдим. Ў киши бебаҳо устоз. Илк бор Икромжон ака ўзимга ишонч уйғотган. Ҳарбийдан қайтиб ансамбль тузганман.

— Биламан. Бу ансамбль 80—90-йилларда одамлар назарига тушган. Германия, Австрия, Финляндия каби хорижий давлатларда концертлар намойиш қилиб муваффаққият қозонган. Халқ ансамбли унвонини олган.

— Айниқса, Афғонистон таассуротлари ҳеч эсимдан чиқмайди. Уруш охирлаётган кезлар эди: мажруҳ одамлар, ишончсиз ниғоҳлар... Ўшанда менда дўст-душман деган туйғу бўлмаган, ичимда барча жабрдийдаларга чуқур ачиниш, оғриқ бўлган...

— Чинакам санъат одамига хос сезгилар бу. Убайдулло, бугун мустақилликка эришган фурсатимизда хорижга борсангиз.

— Мен сизга бир нарсани айтиб берай: Австрияда концерт қўйганимизда ҳали ҳеч нарса айтмасимиздан миллий кийимларимизга қараб ярим соат қарсак чалишган. Бугун Ўзбекистон деган мамлакатни хорижда яхши билишади. Энди чет юртларга бир юрак муҳаббат билан борадиган замонлар келди, айниқса санъаткор.

— Гапиряпсиз-у, мен ғалати бўлиб кетяпман, иним. Илоҳим, шу туйғулар сизни ташлаб кетмасин. Дарвоқе, филармонияга нега ўтдингиз?

— Ансамбл даражаси — ҳаваскор даражаси. Талаб, эҳтиёж ҳам шу даражада бўлади. Ўзимни каттароқ саҳналарда синаб кўргим келди.

— Синовдан яхши ўтяпсиз, меннимча. Ашулаларингиз саҳнадан ҳаво мавжлари, «ойнан жаҳон»га кўтарилди. Убайдулло, асли муҳандис экансиз. Яхшигина футболчи ҳам. Бу соҳаларда муқим қолмаслигингизга санъат ичида улғайганингиз сабабми ё муваффаққият қозонишингизга ишонмаганмисиз?

— Нега? Ҳамма соҳада ҳам меҳнат, тиришқоқлик билан кўп нарсага эришса бўлади... Дадам раҳматликнинг изларини ҳувиллатиб қолдиргим келмади. Гарчанд шогирдлари кўп бўлса ҳам.

— Убайдулло, ҳозирги ўй-хаёлларингиз.

— Ашулачининг ўз шоири ҳам бўлиши керак экан. Иқболбек деган йигитнинг шеърларини ёқтириб қолдим, шу кунларда. Ўзлари ҳамюртим эканлар. Бир танишиб шу йигит билан ҳамкорлик қилсам деган ниятим бор:

Марғиёндан учиб чиққан қаттол ёғий,
Очун — фоний, бу жон оний, турук—боқий,
Кўк илоҳий, ер илоҳий, эрк илоҳий,
Тур Иқболбек, тур.

Ҳа, Иқболнинг жуда гўзал шеърлари бор. Кўпларини мусиқасиз ҳам ажиб бир ҳолатда тинглайди, киши. Мусиқа қўшилса борми?..

— Фарзандларингиз санъаткор бўлишини хоҳлайсизми? Айтайлик, қизларингиз раққоса бўламан дейишса...

— ...

— Сиз бу саволдан қочманг, Убайдулло. Гуруҳингизда ҳам раққоса қиз бор экан.

— Биз ўзимиз раққосаларга оға-ини, ота ниғоҳи билан қараб ўрганишимиз керак. Акс ҳолда уларга қийин.

— Сизни Тошкентга ишга таклиф қилишган экан. Биласиз, пойтахт санъаткор учун кенгроқ майдон. Нега боргингиз келмайди?

— Тошкентдир—Фарғонадир — ҳаммаси Ватан. Биз ота-онадан тўрт фарзандмиз, бир биримизга жуда суяниб ўсганмиз. Кетсам сингиларим жовдираб қоладиганга ўхшайди.

— Сир эмас, санъат кишилари орасида ҳавас-ҳасад деган гаплар бўлади. Бугун яхши қўшиқчилар кўп. Айниқса ёшлар орасида. Қандай тилакларингиз бор, тенгдош, Сиздан кичик ашулачи укаларингизга?

— Санъат шундай майдонки, ҳар ким ўз истеъдодига яраша ўрин топаверади. Ёшми-кексами, санъаткорларимизга яхшидан, гўзалликдан ҳайрат туйғусини, мардлик ҳиссини тилайман.

— Биз Убайдулло билан Ватан тарихи, қадриятларимиз, санъатимиз ҳақида узоқ мулоқот қилдик. У барча каму-кўстимиздан озорланади. Ҳеч бирига шунчаки қарамайди. Мен Убайдуллонинг нозик табиатига мос гул райҳонли ҳовлиси-ю ширинсўз меҳмондўст рафиқаси Эътиборхон, қизлари — Дилнора, Дилноза, кичкина Жаҳонгир билан ҳайрлашар эканман, дил-дилимдан яна бир бор: бу гўзал туйғулар сизни тарк этмасин, иним! — дея тилак билдирдим.

ҚУТЛИБЕКА.

• Спорт

ХАЛҚАРО МИҚЁСЛАР ДАРАЖАСИДА

⊙ МИНГЛАБ спорт мухлислари учун қувончли кунлар бўлди. Шарқона кураш ошуфталари пойтахтимизнинг «Алпомиш» спорт саройида уч кун мобайнида қизғин ва муросасиз беллашувларнинг шоҳиди бўлдилар. Бу ерда таэквондо бўйича Осиё ва Тинч океани минтақаси мамлакатлари чемпионати ўтказилди.

Мусобақанинг тантанали очилиши байрамона тус олди. Оркестр садоларининг янграб туриши, байроқдорларнинг шаҳдам одимлари ва ниҳоят мусобақа иштирокчиларининг саф тортиши уйғунлашиб кетди. Чемпионат байроғи кўтариларкан, Ўзбекистон давлат гимни садолари янграб турди. Тошкент шаҳар ҳокими, мусобақага тайёргарлик ва уни ўтказиш ташкилот қўмитаси раиси А. Фозилбеков чемпионатни очиқ деб эълон қилиб, мард ва чапдаст курашчиларга муваффақият тилади. Мустақил Ўзбекистонда спортни яна ривожлантириш ва оммавийлигини таъминлаш, халқаро миқёсларда довруғ таратиш йўлида юртбошимиз саъй-ниятлар қилаётганини алоҳида таъкидлади. Республика Президентининг чемпионат иштирокчиларига йўллаган табригини ўқиди. Шундан кейин таэквондо бўйича халқаро уюшма президенти Чой Хон Хи сўзлаб, мусобақани ташкил этиш ва уни ўтказиш учун яратилган қулайлик ва шароитлар учун миннатдорчилик изҳор этди. Бу ҳаракатлар спортнинг қизиқарли турини янада ривожлантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади, деди.

Таниқли курашчимиз, таэквандо устаси Ботир Маметов спортчилар номидан қасамёд қилиб, ҳалол, пок ва мард бўлишга даъват этди. Ҳакамлар номидан сўзлаган Генаддий Хан беллашувларни баҳолашда ҳолис ва ҳалолликка эътибор қилиниши ҳақида гапирди. Кейин «Баҳор» ҳамда «Чин-Чун» дасталарининг чиқиши билан мусобақанинг тантанали очилиши ниҳоясига етди. Оёқ ва қўлларини қиличдек ҳаракатга келтира оладиган таэквандочиларнинг кўргазмали чиқишлари олқишларга сазовор бўлди.

Йирик халқаро мусобақа очилишидан бир кун аввал эса таэквондо халқаро уюшмасининг учинчи конгресси бўлиб ўтди. Йиғилишда шарқона беллашувнинг ривожлантириш муаммолари кўриб чиқилди. Бахрайн, Покистон, Сурия мамлакатлари уюшма аъзолигига қабул қилинди. Ҳозир жами аъзолар 27 тага етди. Шу йиғилишда истиқлолга юзини тутган Ўзбекистонда ҳам курашнинг шарқона турлари ривожланиб бораётгани ҳақида сўз борди. Юртимизда 50 мингга яқин киши таэквондо билан шуғулланмоқда. Тошкентдаги 3 та гимназияда таэквондо сир-асрорлари ёшларга ўргатилмоқда.

Мусобақалар жамоа биринчилиги учун баҳслар билан бошланди. Унда республикамиз курашчилари Қирғизистон, Қозоғистон, Корея мамлакатлари билан куч синашиб, маҳорат кўрсатишга ҳаракат қилишди. 21 мамлакатдан 200 нафар спортчи иштирок этган халқаро мусобақада йигит-қизларимиз совринли ўринларни эгаллашди. Чунончи, Рита Хан, Лилия Шаропова, Людмила Гольцман, Ботир Маметов, Баҳром Қулаҳмедовлар халқаро мусобақанинг совриндорлари бўлишди. Мусобақа келаси йили Малайзияда ўтказиладиган жаҳон чемпионати олдидан муҳим маҳорат синови ва тайёргарлик босқичи бўлиб қолади.

Ҳайдар НОСИРОВ.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Эскандер Аппазович ТАЙМАЗОВ

Ўзбекистон енгил саноати оғир жудоликка учради. Соҳа жонкуярларидан бири —Таймазов Эскандер Аппазович 1993 йил 3 сентябрь куни 65 ёшида бевақт вафот этди.

Эскандер Аппазович 1929 йили 8 март куни дунёга келди.

Меҳнат фаолиятини 1957 йили Тошкент халқ хўжалиги институтини тамомлаганидан сўнг бошлади. Турли лавозимларда ишлаб, оддий иқтисодчи вазифасидан «Главташкентстрой» бошлиғининг ўринбосари даражасигача бўлган йўлни босиб ўтди.

1975 йили Э. А. Таймазов Ўзбекистон енгил саноат вазирининг биринчи ўринбосари, 1987 йилда эса вазири этиб тайинланди.

Э. А. Таймазов тармоқни ривожлантириш ва юксалтиришга катта ҳисса қўшди.

Унинг бевосита иштирокида қатор шаҳарлар ва районлар марказларида йирик комбинатлар, 50 га яқин йигирув тўқув фабрикаси қурилиб ишга туширилди.

Эскандер Аппазовичдан соҳа ишчилари фақат ишбилармонликнигина эмас, инсонийлик сифатларини ҳам ўрганди лар. Барча участкаларда у ўзининг бутун кучини ишга солиб, меҳнат қилди.

Халқ хўжалигини ривожлантиришдаги хизматлари учун унга «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қурувчи» фахрий унвони берилган, бир қанча орден ва медаллар билан тақдирланган. Республика Олий Кенгаши депутатлигига сайланган.

Эскандер Аппазович Таймазовнинг ёрқин хотираси қалбларимизда ҳамиша сақланиб қолади.

«ЎЗЕНГИЛСАНОАТУЮШМА» АССОЦИАЦИЯСИ БОШҚАРУВИ.

Тошкент кимё — технология институти раҳбарияти, касаба уюшма қўмитаси Чирчиқ технология факультети декани техника фанлари доктори, профессор А. Т. Дадахўжаевга отаси

Турсунхўжа ДАДАХЎЖАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Иҳтимоий гуманитар фанлар бўлими ва археология институтининг жамоаси институт директори, тарих фанлари доктори Т. Ш. Ширинова онаси

ЧИННИГУЛ аянинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

МУАССИСЛАР:
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЯ КЕНГАШИ ВА «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

Бош муҳаррир АЗИМ СУЮН

Таҳрир ҳайъати: Абдулла ОРИПОВ, Азиз НОСИРОВ, Аслиддин БОЛИЕВ (масъул котиб), Зиёд ДАВРОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Муқимжон ҚИРҒИЗБОЕВ, Олимжон НАЗАРОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Осиё бозори» иловаси учун масъул), Шоқосим ШОИСЛОМОВ.

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти бўлими — 33-21-43
Иқтисодиёт бўлими — 33-47-80, 32-53-14
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ бўлими — 33-76-04, 32-53-70
Фан ва маданият бўлими — 33-20-36
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-11-49
Ахборот ва спорт бўлими — 33-12-56, 32-55-16
Тижорат, эълонлар — «Осиё бозори» редакцияси — 33-38-55, 32-55-70, 32-54-12
Котибият — 33-72-83, 32-53-06
Шароф Рашидов фонди — 33-20-36, 32-54-35

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ

Андижонда — 4-48-85;
Бухорода — 3-96-12;
Гулистонда — 2-26-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-74-76;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 4-44-62;
Қаршида — 3-25-79;
Самаркандда — 35-22-90;
Урганчда — 6-72-60;
Термизда — 2-23-01;
Фарғонада — 6-37-16.

● Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000120.
Газета офсет усулида А—2 форматда босилади.
Хажми 3 босма табоқ.
Босишга топшириш вақти — 21.00.
Г—531. № 165. топширилди — 23.00.
Навбатчилар: Ҳ. ИКРОМОВ, У. ФАЙЗИЕВА.



МАНЗИЛИМИЗ:
700083. ТОШКЕНТ, ГСП, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили «Буюк Турон» кўчаси 41-уй. 1 2 3 4 5 6.